



КИМ АСЛИДА КИМ?



Математика: Бугун келажакни ўйлаб



Кўчада қолган кекса олим ўз уйига қачон қайтади?



Жазирама иссиқ кунларда



№56-57
2019-yil, 16-iyul
Seshanba (32.547)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan

Улуглардан улугимсан, Ватаним!

O'zbekiston O'VOZI

Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июль кунги узлуксиз профессионал таълим тизimini янада такомиллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Бугунги кунда барча соҳа ва тармоқларда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Худудларда янги корхоналар ишга туширилиб, ижтимоий инфратузилма ривожлантирилмоқда. Олдинда яна катта режа ва мақсадлар бор.

Буларнинг барчаси малакали мутахассисларга бўлган талабни оширмоқда. Чунки ҳар бир соҳанинг ривожини, лойиҳаларнинг ижросини етук кадрларга боғлиқ.

Шу боис кейинги йилларда таълим тизими модернизация қилиниб, ўқитишнинг замонавий шакли ва технологиялари жорий этилмоқда. Худудларда янги, шу жумладан, хорижий таълим муассасалари ташкил этилиб, талаб юқори бўлган мутахассислар тайёрлашга шароит яратилмоқда.

Йиғилишда ўрта бўғин мутахассислари ва ишчи касблар бўйича кадрлар тайёрлашнинг самарали тизimini йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Коллежлар негизда профессионал таълим муассасаларининг янги тармоғини шакллантириш вазифаси қўйилди. Ушбу муассасаларда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрланади. Ўқитиш муддатлари зарур билим, малака ва кўникмаларнинг мураккаблигига қараб турлича бўлади.

Йиғилишда ушбу тизимни жорий қилишдан олдин унинг методологиясини яратиш, таълим дастурларини халқаро талаблар асосида янгидан ишлаб чиқиш, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталарини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди. Ёшларни касб-хунарга қизиқтириш ва рағбатлантириш бўйича тақлиф киритиш юзасидан топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари янги профессионал таълим тизimini меҳнат бозори талаблари билан уйғунлаштириш масаласига алоҳида тўхталди. Жойларда ишсизлик кузатилаётган бир пайтда ишчи касблар бўйича мутахассисларга катта эҳтиёж борлиги қайд этилди. Масалан, енгил саноатда 46 минг, қурилишда 104 минг, металлга ишлов бериш бўйича 71 минг, хизмат кўрсатиш соҳасида 67 минг нафар мутахассис етишмаяпти. Бу таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида мулоқот ва яқин ҳамкорлик йўқлиги оқибатидир.

Шу боис битирувчининг ишга жойлашиши ёки ўз бизнесини йўлга қўйиши таълим муассасалари фаолиятининг асосий мезони бўлиши кераклиги қайд этилди.

Президент янги профессионал таълим тизimini бўйича тақлиф этилган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

ЎЗА



ЁЗНИНГ ЗАВҚИ БИР ОЛАМ

Сурхондарё вилоятида ўқувчилар ёзги таълини мазмунли ва мароқли ўтказмоқда.

Термиз шаҳридаги «Амударё» болалар соғломлаштириш оромгоҳида вилоятнинг турли худудларидан келган болалар дам олиш кунларини мароқли ўтказмоқда. Турли фан, спорт ва ҳунар тўғрисидаги иштирок этиб, кўникмаларини мустаҳкамламоқда, жисмонан чиниқмоқда, янги дўстлар орттирмоқда.

Бу йилги мавсумда оромгоҳда беш босқичда минг нафар ўқувчи-қиз дам олади. 200 ўринга мўлжалланган масканда бунинг учун етарли шароит мавжуд. Замонавий усулда барпо этилган сузиш хавзаси, спорт май-

дончалари, бой китоб фондига эга кутубхона, ошхона болалар ихтиёрида. Бу ерда ўқувчиларнинг ҳар бир кунини мазмунли, фойдали ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади.

— Бу оромгоҳга биринчи марта келишим, — дейди оромгоҳ тарбияланувчиси Фирдавс Холбоев. — Зўр экан, ҳар бир кунимиз таассуротларга бой ўтмоқда. Ўзим футболга жуда қизиқман. Лекин бу ерда футбол уйнаш баробарида спортнинг шахмат-шашка ва фан тўғрисидаги қатнашишга ҳам вақт тоپаяман. Янги сув ҳавзасида маза қилиб чўмилишимиз. Кўплаб дўстлар орттирдим.

ЎЗА фотомухбири Жонибек ҚўЗИМУРОДОВ олган суратлар.



УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон ХДП янги дастурини тайёрляпти



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 16 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божиона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати белгиланади:*)

1 АКШ доллари	8584,50
1 ЕВРО	9673,87
1 Россия рубли	136,34
1 Англия фунт стерлинги	10793,29
1 Япония иенаси	79,57
1 Жанубий Корея вон	7,30
1 Кувайт динари	28234,77
1 Малайзия ринггити	2088,18
1 Хитой юани	1247,82
1 Сингапур доллари	6322,83
1 Швейцария франки	8724,09
1 БАА дирҳами	2337,32
1 Миср фунти	518,07
1 Австралия доллари	6023,74
1 Туркия лираси	1503,92
1 СДР	11874,60
1 Канада доллари	6588,76
1 Украина гривна	333,31
1 Польша злотийси	2266,12

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини олмаган.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ҲАМКОР ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН

Ҳамкорлик меморандумлари асосида

амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди



МУНОСАБАТ МУСТАҚИЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ



Муслихиддин МУХИДДИНОВ,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
ёшлар
мураббийси,
Самарқанд давлат
университети
профессори.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 28 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисидаги қарорини ўқиб, кўнгилдан ушбу фикрлар ўтди.

Мустақиллик қадрини, истиқлолнинг муқаддаслигини, озодлик туйғуси инсон учун нақадар азиз ва муҳимлигини бизнинг авлод жуда яхши билади.

Ота-боболаримиз қатагон қилиниб, ўз юртларидан мосуво бўлганида, мустабид тузум зиндонларида қон ютганида, бебаҳо китоблар ёқилганида, қўмилганида, тарих сохталаштирилганида, авлодлар ҳўрланганида, дин ва дённат, ор ва номус топталганида халқимиз озодлиқни қанчалар қумсагани, соғингани, кутгани.

Асрий истибдод барҳам топиб, мустақиллик қўлга киритилганда, қадримиз тикланди, қаддимиз тикланди. Бутун вужуд-вужудимизга сингиб кетган кўркүв иллати йўқолди. Биз миллат сифатида ўз асрий анъаналаримиз, қадриятларимизни асраб-авайлаш, бойитиш имкониятига эга бўлдик.

Халқимиз турмуши ўнгилди. Одамларда ишонч ва умид пайдо бўлди. Инсон ҳақ-ҳуқуқлари давлат ва жамият томонидан ҳимоя қилина бошланди. Йиллар давомида тараққиётга тўсиқ бўлиб келатган кўплаб иллатлар рўй-рост айтилди. Бар-тарф этиш чоралари кўрилди.

Президентимиз томонидан ҳаётимиз мазмун-моҳиятига айланган одамларни рози қилиш концепцияси бутун халқимизни ҳаракатга келтирди. Одамлар яхши яшаш учун курашадиган, талаб қиладиган, интиладиган бўлди.

Жамиятда пайдо бўлган фикрсизлик, лоқайдлик, мутелик ўрнини тақлифлар, мулоҳазалар, мунозаралар, баҳслар эгаллади. Бугунги одамлар ҳар қандай топшириқни бажарадиган, кўрсатилган йўлдан юрадиган одамлар эмас, уларнинг ўз дунёқараши, ўз фикри, ўз танлаган йўли бор. Бундай демократик жараёнларнинг бошланишига, ривожланишига, одамлар онгу шуурига ўрнашишига, бир сўз билан айтганда, бутун жамият уйғонишига албатта Президентимизнинг дэяватлари, халқ билан мулоқоти оддий одамларни тинглаши сабаб бўлди.

Мамлакат бўйлаб юз бераётган ислохотларда одамлар иштироки, жамоатчилик назорати, талаб ва истакларнинг ўрни ва роли тобора ошиб бораётгани озод юрт одамлари онгу тафаккурда буюк эришларни юз бераётганини кўрсатади.

Биргина олий таълим тизimini олиб кўрайлик. Мен ярим асрлик фаолиятим давомида одамларнинг илм маърифат олишига бўлган сунъий чекловларни кўриб ич-ичимдан эзилардим. Фарзандларимиз олий таълим даргоҳларидаги илмий салоҳиятдан фойдаланолмай, баҳраманд бўлолмай юришарди.

Бугун аввало олим улуғланмоқда, университет ва институтларнинг моддий-техник базаси бутунлай янгиланди. Профессор-ўқитувчиларнинг маоши кескин кўтарилди. Қабул квоталари оширилди. Сиртки ва кечки бўлимлар очилди. Истеъдодли ёшлар, илм-фан намоёндалари кўплаб-қувватланмоқда. Чет эллардаги фан ва таълим марказлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Олий ўқув юртларининг филиаллари очилмоқда. Бу нимани кўрсатади? Ўзбекистонда илм-фанни, маънавият ва маърифатни халққа тобора яқинлаштириш ҳаракати бошланганлигини аниқлатади.

Мен фаолият кўрсатаётган Самарқанд давлат университети тарихини татбиқ этиш, халқаро нуфузга эга бўлган мазкур таълим даргоҳини Улугбек мадрасасининг вориси сифатида тан олиш масалалари ҳам ўзининг ижобий ечимини топмоқда. Университетимиз бўйича қабул қилинган Ҳукумат қароридида белгиланган вазифаларни бажариш борасида жуда катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда.

Илм йўлини танлаётганларнинг кўпаяётгани, илмий мактаблар фаолияти тикланаётгани қалбимда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Минг афсуски, қанча йилларни бой бердик. Илм кишилари рўзгорини тебратолмасдан бошқа юмушларга ўзларини уришга мажбур бўлишди. Кейинги уч йил давомида илмдан кетиш эмас, илмга қайтиш бошланди. Илм аҳлида хотиржамлик, ишонч пайдо бўлди. Олий таълим даргоҳларида сўниб қолган илм чўғлари, гулханларга айланмоқда. Янгиликлар, интилишлар даври бошланди.

Мухтасар айтилганда, бугун миллат зиммасида мустақиллиқни мустаҳкамлаш, тараққиёт этириш, миллий ҳамжиҳатликка, миллий бирликка, миллий юксалишга эришиш бурчи ва масъулияти турибди.

Фаолиятимизни чуқур таҳлил қилиб боришимиз, аҳоли билан доимий мулоқотни изчил давом эттиришимиз зарур.

Ҳамкорлик меморандумлари асосида

амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ҲАМКОР ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан имзоланган меморандум ижроси бўйича давра суҳбати ўтказди. Унда Ўзбекистон Ногиронлар, Кўзи оғизлар ва Карлар жамиятлари, Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раҳбар ва масъуллари, партия ходимлари иштирок этди.

— Партиямиз ҳамкор ташкилотлар билан меморандумлар имзолаганидан хабарингиз бор, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим mudiri Боймурод Юсупов. — Шу асосда партияимизнинг ҳудудий ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, партияимиз ҳужжатларида, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳларимиз ва фракцияимиз фаолиятида фахрийларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари алоҳида ҳисобга олинди. Қонун лойиҳалари ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, таклифлар тайёрлаш жараёнларида фахрий депутатлар ва нуронийлар жалб қилинди.

Маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз гуруҳлари томонидан 10 та вакиллик органининг ҳисоботи эшитилди. Пенсияерлар ва ногиронлиги бўлган кексаларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга оид 45 масала депутатлик гуруҳларида, 34 масала доимий комиссияларда ва 12 масала сессияларда кўриб чиқилди.

Сайёр қабуллар давомида ижтимоий соҳага доир 2500 га яқин муносабат, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, ҳамкорликда ўтказилган тадбирларда ногиронлар дуч келаётган ижтимоий муаммолар аниқлаб, уларни ҳал этиш чоралари кўриломоқда. Шу ўринда бир мисол келтирсам. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳга монъелик қилиш мақсадида фракция аъзолари Ойла кодексининг 16-моддасига тегишли ўзгаришлар киритиш таклифи билан чиқди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига оид қонун лойиҳалари ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда улар экспертирлар сифатида жалб қилинди. Партиянинг барча даражадаги юқори органилари аъзолари таркибига ногиронлиги бўлган шахслар жалб этилди.



Амалга оширилган ишлар ўзимизники. Аммо ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам оз эмас. Фаолиятимизни чуқур таҳлил қилиб боришимиз, аҳоли билан доимий мулоқотни изчил олиб боришимиз зарур. Шунда реал натижаларга эришиш имконига эга бўламиз, деб ўйлайман.

— Ўзбекистон ХДП билан меморандум имзоланган олдин ҳам ҳамкорликда ишланганми, — деди Кўзи оғизлар жамияти Марказий Бошқаруви етакчи мутахассиси Улугбек Маматхонов. — Турли тадбирлар ўтказилганми. Кўтарилган муаммолар оммавий ахборот воситаларида ёритилган, жамоатчилик эътиборини тортди, муҳокама қилинган бўлган.

Партия вакиллари ногиронлиги бўлган шахсларнинг депутатликка номзодини илгари суриш ҳақида фикр билдирди. Шу хусусда тўхталиб ўтсам. Яқинда ўз-ўзини бошқариш органи раислигига сайлов бўлиб ўтди. Миробод туманида жойлашган «Баёт» маҳалласи оксиколлигига икки нафар кўзи оғиз инсон номзодини қўймоқчи бўлди. Маҳалланинг аксарият аҳолисини кўзи оғизлар ташкил этди. Афсуски, номзодлар рўйхатдан ўтказилмади. Тегишли ташкилотлардан бунинг сабабини сўраганимизда, номзодлар маъмураатини ўйлаб, шу иш қилинганлини айтишди.

2017 йилда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент фармони қабул қилинган. Унинг 12-бандида шахслар ўртасида мулоқот воситаси сифатида ишлатиладиган имо-ишора тилини янада ривожлантириш, унинг ҳуқуқий мақоми ва

қўллаш соҳасини белгилаш борасида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан катта ёшдагиларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятлар, туманлар марказларидаги умумтаълим мактаблари негизда имо-ишора тили ва Брайль алифбосини ўргатиш бўйича махсус курслари ташкил этиш белгиланган. Бу борада 2018 йилнинг март ойига қадар Вазирлар Маҳкамасига аниқ ва режавий таклифлар киритиш ҳам назарда тутилган эди. Кўзи оғизлар жамияти шу масалада Халқ таълими вазирлигига мурожаат қилди. Таклифлар ўтган йилнинг 1 июнида ҳам киритилмаганини билдик. Ваҳоланки, 1 июлда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниб, Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағ миқдори белгиланиши лозим эди.

Шу фармоннинг 14-бандида ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари корхоналари рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш лозимлиги айтилган. Уларнинг маҳсулотлари, хизматлари давлат харидлари бўйича мажбурий буюртма квоталари белгиланган бўйича кўрсатма берилган. Хабарингиз бор, яқинда Солиқ кодекси янги таҳрирдан чиқарилди. Унда бир йиллик молиявий айланмаси 1 миллиард сўмдан ошган ташкилот, корхоналардан солиқ чегирмалари олиб ташланиши қўзда тутилган. Бизнинг корхоналаримиз ҳам улар қаторида. Бу масалани атрофлича ўйлаб, кейин қарор қабул қилинса, яхши бўларди.

Яна бир гап. Жамиятнинг фаол аъзоси сифатида Вазирлар Маҳкамасига кўп бора-ман. Маданият, спорт, маърифат йўналиш-

ларида «куратор»лар билан учрашаман. Шунда улардан Президент фармонида келтирилган Брайль саводхонлиги билан боғлиқ ишлар ҳақида ҳам сўрайман. Улар Халқ таълими вазирлигидан бу ҳақда телефон орқали сўраган ҳолатларга ҳам гувоҳ бўлдим. Баъзи масъуллардан 2017 йил декабрь ойида ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармон чиққананидан хабарингиз борми, деб сўрасам, рақами неччи деган саволга жавобни ҳам олдим. Бу ачинарли ҳолат.

Ногиронлар Ассоциацияси билан ҳамкорликда маъзур фармон ижросини мониторинг қилдик. Натижалар афсуски, хурсанд бўладиган даражада эмас.

Ўйлайманки, бугунги анжуман доирасида кўтарилган масалалар шу ерда қолиб кетмайди. Оммавий ахборот воситаларида ҳам ёритилади. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ютуқларимиз байроғини кўтаришга ва муаммоларимиз кўнгиригини чалишга доимо эрдан беради, деб умид қиламан.

Анжуман давомида «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Рустам Колоннов, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти раиси Комилжон Абдуллаев мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Давра суҳбати якунида ҳамкорликдаги ишларни янада кучайтириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Махлиё АЛИҚУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ ЭНГ ТОТЛИ БАЙРАМ



Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Мустақиллик, эрк ва озодлик. Бу тушунчалар муқаддасдир. Шунинг учун уларнинг ҳаётимиз, тақдиримиздаги аҳамияти, ўрни беқиёс. Нондек азиз, онадек ягона бўлган Ватанинг мустақиллиги эса энг улуг неъматдир.

Зотан, у бизга эркин яшаш, ўз тараққиёт йўлимиз-ни ўзимиз белгилаш имконини берди, ўзлгимизни, қадриятларимизни қайтарди. Халқимиз ўтган 28 йил давомида қанча ютуқ ва марраларга эришган бўлса, бу шубҳасиз, истиқлол мевасидир. Шу боис ҳар йили Мустақиллик байрамини юртдошларимиз ўзгача ҳаяжон ва катта кўтаринкилик билан нишонлайди.

Президентимизнинг 2019 йил 8 июль кўни эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори халқимиз томонидан катта қувонч ва мамнуният билан қутуб олинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган вазифалар — аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, тадбиркорлик ва ҳуқуқий мулк ривожига кенг имконият очиб беришга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижалари, нафақат мамлакатимиз, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий ғамхўрлик қўратиш борасида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Барча ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асосий манбаи бўлган Ватанимиз мустақиллиги қўлга қиритилган санани катта тайёргарлик билан қутуб олиш ва муносиб тарзда нишонлаш ҳар биримизнинг кўнгил ишимизга айланиши зарур. Бу қутлуг кўннинг моҳияти ва аҳамияти, халқимизнинг фидокорона меҳнати, эзгу орзу-интилишларини фарзандларимизга тушунтириш, тарғибот қилиш унинг шукҳини янада оширади, деб ўйлайман.

Қарорда бу борадаги энг муҳим ва устувор вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» деган бош ғояни ўзида муҳассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади. Тадбирларда Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» давлат дастури, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ҳар бир оила — тадбиркор», «Ёшлар — келажакимиз», каби муҳим дастур ҳамда режалар доирасида олиб борилаётган тўб ислохотларнинг мазмуни ва руҳи муҳассам этилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Айтиш керакки, 2018 йилги Давлат дастурига асосан 21 триллион сўм ва 1 миллиард АҚШ доллари тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига мувофиқ 400 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларда муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Бу пуллар нима учун, ким учун сарфланди? Албатта, бу улкан маблағ яхши йўл, яхши тиббий хизмат, яхши мактаб, барқарор ичимлик суви ва шу каби эзгу ишларга йўналтирилди. Яъни, бу маблағ нуроний кишилар фароғати, ота-оналар хотиржамлиги, фарзандларимиз қувончи учун сарфланди.

Шунингдек, ўтган йили «Ҳар бир оила — тадбиркор» ва «Yoshlar — kelajagimiz» дастурлари доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 600 дан ортиқ бизнес лойиҳа амалга оширилди. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди ҳамда бу аҳолининг реал даромадларини 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошириш имконини берди. Бу каби мисолларни узоқ давом эттириш мумкин. Лекин, энг муҳими, одамлар ўзгаришларни қалби билан ҳис этипти, натижада ҳаётга муносабат ўзгарипти.

Айниқса, охирги йилларда жамиятимиз қиёфаси бутунлай ўзгариб бормоқда. Халқимизнинг турмуш даражаси, онгу тафаккури, билими, маданиятини ошириш бўйича самарали ва тизимли ислохотлар йўлга қўйилди. Буларнинг барчасини аниқ далил ва мисоллар, чуқур илмий таҳлиллар орқали мамлакатимиз ҳамда халқаро жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлатимиз раҳбари қароридан кўриниб турибдики, бу йилги байрам ҳар қачонгидан кўтаринки руҳда, қўри савияда нишонланади. Байрам тадбирларига ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиб, ўзининг ватанпарварлиги, ёш авлодга ғамхўрлиги билан намуна кўрсатиши, байрам руҳиятига ўз ҳиссаси ва қалбини қўйиши зарур, деб ўйлайман. Зеро, Ватан мустақиллиги — дунёдаги энг тотли байрамдир.

Аёлларни ўйлантирган масалалар ҳал этилишига қандай ҳисса қўшяпмиз?

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Шу йилнинг март ойида давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятида бўлиб, таъриф доирасида хотин-қизлар масалаларига алоҳида тўхталиб ўтган эди. «Жорий йил охиригача аёлларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, иш билан таъминлаш, жиноятчилик содир этмаслиги учун зарур чораларни кўриб, Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан боғлиқ барча масалалар бўйича энг намунали ҳудудга айлантиришимиз керак», дея таъкидланган эди.

Шундан келиб чиқиб, аёлларни ўйлантириб келаётган ижтимоий масалаларни ечиш, ҳудудда уларни ишга жойлаштириш, саломатлигини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилади. Бу ишга сиёсий партиялар ҳам камарбаста бўлиб, бир қатор амалий ишлар олиб бормоқда.

Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани «Нефтчилар» маданият саройида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Аёллар ижтимоий ҳимояси — ижтимоий фаоллик пойдевори» мавзусида форум ўтказилди. Унда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши, партиянинг туман, шаҳар кенгашлари масъуллари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, депутат аёллар, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, иш билан таъминланмаган, эҳтиёжманд хотин-қизлар ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Форум қуруқ маърузалардан иборат бўлмади. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, партия ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида хотин-қизларни ўйлантираётган масалалар ўрганилиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий ишлар олиб борилади.

Тадбир эрталаб соат 7:00 да хотин-қизлар ўртасидаги велома-рафон билан бошланди. Унга 50 нафардан ортиқ хотин-қиз ва ёшлар жалб қилинди. Биринчи ўринни Амир Темур кўчасида яшовчи

Нилуфар Сатторова, иккинчи ўринни «Маданият» кўчасидан Шакар Музаффарова, учинчи ўринни эса Ибн Сино кўчасида истиқомат қилувчи Севинч Мустафоева эгаллади. Уларга партия ва ҳамкор ташкилотларнинг совгалари ва фахрий ёрликлар топширилди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлиганимга икки йилдан ошди, — дейди **Шакар Музаффарова**. — Партиямиз томонидан бизнинг ҳудудда бундай катта тадбир ўтказилаётганидан мамнунман. Чекка ҳудудларда яшовчи аёлларга эътибор қаратилиб, уларни ўйлантираётган муаммолар ҳал этилаётгани қувонарли. Бугунги форумни қўзғатиб, ЎЗХДПни танилаб, адашмаганимга амин бўлдим. Очиғини айтганда, кутмаганим. Барчага раҳмат.

Лойиҳа дастуридан бир қатор амалий тадбирлар ўрин олган эди. Хусусан, чекка ҳудудларда истиқомат қиладиган кўп болали, эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар, оналар ва болалар учун бепул тиббий қўриқдан ўтказилди. Уларда 109 та касаллик аниқланди. 8 нафар аёлга соғлигини тиклаши учун йўлланмалар берилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 10 та хонадонга 6 турдаги дори-дармон ва соғломлаштирувчи оёқ кийимлари берилди.



Форумнинг иккинчи босқичи аёллар жиноятчилигининг олдини олишга бағишланган семинар билан бошланди. Унда Қоровулбозор туман ИИБ бошлиғи Файзулло Исмоилов маъруза қилди. У тумандан ўтган йилнинг 6 ойи мобайнида 7 нафар хотин-қиз 11 жиноят содир этгани, жорий йилнинг 6 ойи мобайнида аёллар ўртасида умуман жиноят қайд этилмаганини билдирди.

Шунингдек, форум доирасида Бандликка қўмаклашиш маркази томонидан бўш иш ўринлари ярмаркада қўйилди. Ҳудуддаги 48 та корхона 258 та бўш иш ўрни билан ярмаркада қатнашди. Касаначилик меҳнатини ташкил этиш имконияти бор корхоналар тўғрисида батафсил маълумотлар беришди ва ишлаш истagini билдирган аёллардан 11 нафарига корхона ва ташкилотларга ишлаш учун йўлланмалар берилди.

Ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган, оилавий шароити қийин аёлларга бошлангич тўловларсиз кредит олиш масаласи шу ернинг ўзиде ҳал этилди ва тегишли мутасаддилар томонидан ёрдам кўрсатиш бўйича келишиб олинди. Тадбирда Агробанк томонидан Раҳима Авезова иссиқхона очини учун, Саноат қурилиш банк томонидан Дилшода

тадбирларни қўлайитириш керак. — Анчадан бери ўз ишимни йўлга қўйиш ҳақида ўйлаб юрардим, — дейди **Раҳима Авезова**. — Томорқада ишлашга қизиқаман, ҳовлимиздаги озгина бўш ерни кўришим билан нимадир эксам, ундан самарали фойдалансам, дейман. Режаларимни қозғога туширдим, иссиқхона очини, полиз экинларини экиб, оилам даромадига улуш қўйишга қарор қилдим. Чунки бу иш қўлимдан келади, бунга ўзим ҳам жуда қизиқаман. Агробанк ходимлари бизнес режамни яхшилаб ўрганиб чиқиди. Менга иссиқхона очини учун имтиёзли кредит ажратилган бўлди. Энди меҳнатим билан ўзимни кўрсатишга интиламан...

— 2-гуруҳ ногирониман, тумандаги «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғини, «Ўзбекистон» кўчасида яшайман, — дейди **Феруза Изделева**. — Турли хил егуликлар пиширишга қизиқаман. Жисмоний имкониятим чекланган бўлса-да, нимадир билан машғул бўлишга ҳаракат қилардим. Тўғри-да, бекорчиликда вақт ўтказгандан ҳеч кимга наф йўқ. Оиламиз кам таъминланган бўлгани учун анчадан бери печ олиш муаммо бўлиб турган эди. Бу менинг ўз ишимни йўлга қўйишим учун керак эди. Бугун ЎЗХДП ва ҳамкор ташкилотлар ўтказган форум доирасида бу муаммо ҳал этилди. Менга печ совға қилишди. Энди бемалол буюртма асосида турли пишириқлар тайёрлашим мумкин.

— Мулоқот тарзида ўтказилган тадбирлар одамларда қизиқиш уйғотди, — дейди **ЎЗХДП Марказий Кенгаши хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари сектори mudiri Гулшан Асатова**. — Қоровулбозордаги анжуманда хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш, уларни ҳал этиш учун депутатлар ваколатидан самарали фойдаланишга ҳам эътибор қаратдик. Ишга жойлашиш, имтиёзли кредитлар олиш, иш беришчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида фикрлашилди. Бундай тадбирларни, айниқса, чекка ҳудудларда мунтазам ўтказиш бўйича режаларимиз бор.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.

Мулоҳаза учун мавзу, адашган бўлсак, узр...

КИМ АСЛИДА КИМ?

Давлат билан халқ бир-бирини қандай тушунади?

Мамлакатда ҳар куни муҳим воқеалар рўй берапти, қизиқарли янгиликлар қулоққа чалинапти, ўйга толдирадиган саволу фикрлар ҳам тарқаяпти. Айниқса, кейинги кунлардаги хабарлар мунозаралар ҳайрон қоларли, ҳатто айрим соҳададиҳроқ ҳамюртларимиз учун ҳайратланарли бўлиб чиқаяпти.

Сурхондарё вилояти Қумқўрган туманида яшаб, 90 ёшга дадил яқинлашаётган Рамазон бобомизни меҳнат таътили вақтида кўргали бордик. Бобомизнинг ўзгача одати бор, ҳар доим кўриганимизда кундалик борди-келдилар ҳақида эмас, мамлакатда, кенг дунёда нима янгиликлар, қандай ўзгаришлар бўлаётганини сўрайди. Жаҳондаги вазиятдан, пошшо(подшоҳ)лардан гапир, дейди. Тўғриси, бир хил саволларга жавоб беришга қийналади одам. Бу галги гурунгда ҳам қийин вазиятга тушиб қолдим. Айтсам, ишон-масиз, лекин бўлгани шу — бобомиз бизнинг ердан газ қазиб олаётган «Лукойл»дан қандай қилиб яна ўзимиз қарз бўлиб қолганимиз ҳақида сўради...

Сенатимизнинг охириги ялпи мажлисида давлат раҳбари айтган сўзлар эсга келди: «Лукойл» компанияси Ўзбекистонда газ қазиб олмақда. Биз улардан минг кубини 146 доллардан харид қилиб, аҳолига 46 доллардан сотаямиз. Орадаги фарқ эвазига компаниядан қарз бўлаяпти. Ҳар минг кубометрдаги 100 долларлик фарқ 600 миллион долларлик қарзни пайдо қилган. Бу рақам кун сайин ортиб борапти. Балки бу компания билан ишлаётганимиз нотўғридир. Нима учун шартнома тузилганда миллий манфаатлар инobatта олинмаган?..

Бобомга янада батафсилроқ маълумот бермоқчи бўлдим. Бу қарздорлик ҳақида дастлаб бош идораси Англияда жойлашган Reuters агентлиги шу йил март ойида хабар бергани, кейин апрель ойи бошида «Ўзтрансгаз» компанияси раисининг молия бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи лавозимидан озод этилгани, июнь ойи охирида «Ўзбекнефтегаз» бошлиғи «Лукойл» билан ҳамкорликдаги лойиҳадан давлат уч ярим миллиард доллар даромад олгани, шу боис битим, миллий манфаатларга мос келмайдиган дейиш бўлмаслиги ҳақида изоҳ бергани эсга тушди. Шунча тафсилотлар орасида Сургил нефть-газ лойиҳаси доирасидаги Ўсторт газ-нефть мажмуаси учун бир амалдор 80 миллион доллар пора олгани ҳақидаги хабар ҳам бор эди...

Расмий ахборотлар асосида имкон қадар тушунтириш беришга уриндим. Лекин бобомиз кўпни кўрган, кўзи пишиб кетган, ишонқирамай қарагандай бўлди.

Орадан кўп ўтмай, 10 июль куни Президентнинг соҳага доир қарори чиқди. Унда қуйидаги маълумотлар бор: сўнгги 20 йилда табиий газ қазиб олиш ҳажми 8 фоизга ошгани ҳолда мамлакат корхоналари томонидан уни қазиб олиш ҳажми 29 фоизга пасайди, 2017-2018 йилларда молиявий маблағларнинг етишмаслиги ва моддий-техник ресурсларнинг тақчиллиги натижасида табиий газ қазиб олишнинг ўсиши прогноз кўрсаткичларига нисбатан 42 фоизни ташкил этган, холос...

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Атрофга диққат билан боқсак, одамлар мамлакат ҳаётидаги сиёсий янгиликлар билан қизиқаятгани, дахлдорлик ҳисси билан яшаётганини кўрамиз. Икки киши учрашса, гап орасида қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида сўз бориши ҳам табиий ҳолга айланапти. Ҳатто ижтимоий тармоқларда қарор ва кодексларнинг мазмун-моҳияти, халққа қанчалик наф келтириши ҳақида қизгин муҳокамалар бўлмоқда. Хусусан, яқинда қабул қилинган Сайлов кодекси ҳам шулар жумласидандир.

Сайлов кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси, унинг ижросини таъминлаш Президентимиз томонидан имзоланган Фармонда аниқ белгилаб берилган эди. Унга биноан Марказий сайлов комиссияси раиси раҳбарлигида Олий Мажлис палаталари, Адлия вазирлиги, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, экспертлар иштирокида ишчи гуруҳи тузилди. Кодекс лойиҳасини тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳи томонидан 20 дан ортиқ давлат тажрибаси, халқаро мезон ва талаблар атрофида ўрганилди. Сайловга доир 10 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар таҳлил қилинди. Уларнинг асосий гоя ва тартиблари лойиҳага чуқур сингдирилди.

Кодекс лойиҳаси икки йил давомида тайёрланди. Республика меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари порталига жамоатчилик муҳокамаси учун ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилди. Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик



Республика ишчи комиссиясига бир ой муддатда «Ўзбекнефтегаз» АЖга «Ўзбургунефтегаз» АЖ, «Ўзнефтегаз-қазиб-чиқариш» АЖ, «Ўзнефтьмаҳсулот» АЖ, «Ўзнефтьгазмаш» АЖларни қўшиш; «Ўзтрансгаз» АЖни «Ўзбекнефтегаз» АЖ таркибидан чиқариш каби вазифалар юклатилган.

Шунингдек, «Ўзнефтьмаҳсулот» АЖ тасарруфидида фермер хўжалиқларида хизмат кўрсатувчи 1381 та автомобилга ёқили қуиш шохбасини тадбиркорлик субъектларига аукцион савдолари орқали сотиш, «Ўзбекнефтегаз» АЖ таркибига кирувчи ташкилотларнинг бозорлар, савдо ва қорвачиллик комплекслари устас капиталдаги улушларини (иловага кўра) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига бериш ва бошқа тақдирлар маълумланган.

Хуллас, бу улкан қарз. Бу ерда миллион ёки миллионлар эмас, эҳтимол бир неча триллионлар ҳақида гап кетаяпти. Вазифалар белгиланди, лекин шаффофлиги таъминлаши керак бўлган ишларнинг ўзи шаффоф амалга ошириладими? Фикрловчи кишилар шу саволни беради ва унга жавоб кутади.


Умуман, давлат амалга ошираётган ўзгаришларни халқ қандай тушунади? Бу катта савол. Биргина 1300 дан ортиқ ёқили қуиш шохбасининг сотилиш жараёни қай даражада шаффоф бўлади? Одамлар бу саволларни бандан овозда бермаслиги мумкин, аммо ичида уларга жавоб кутиши аниқ.

Ўтган ҳафта охирида мавзуга оид яна бир хабар чиқди. «Ўзбекнефтегаз» бошқаруви раиси 2001 йилда қабул қилинган «Маҳсулот тақсимидаги оид битимлар тўғрисида»ги қонун қайта қўриб чиқишини маълум қилибди. 600 миллион долларлик қарздорлик танқид қилингандан кейин шу фикрга келинган кўринади.

Юқоридаги хабар ва янгиликларнинг ҳаммаси бир-бирига шунчалик ҳаммаси бўлмаган, орасидан иттиқча-илли ҳам ўтказиш қийин.

Бошқа бир хабар. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган брифингда «Иссиқлик электр станциялари» АЖ бошқаруви раиси ҳозирги пайтда Ангрэн ва Янги Ангрэн ИЭСни Қозғистон компаниясига уч йилга ишончли бошқарувга топшириш бўйича келишув тафсилотлари ишлаб чиқилаётганини маълум қилибди. Табиий газдан фойдаланишни максимал қисқартириш ва кўмир ёқиш улушини кўпайтириш назарда тутилган. Етказиб бериш ишлари Ангрэн кўмир қони тўлиқ ишга туширилгунга қадар амалга оширилмади. Ният яхшига ўхшапти. Аммо бу масалада ҳам тафтиш.

Аччиқ факт шуки, халқимиз узок йиллардан бери монопол ташкилотлар — «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «UzAuto Motors» (аввалги номи GM Uzbekistan), «Ўзбекистон темир йўллари» ўрнатган юқори нархлардан жабр кўриб, айрим фикрларга кўра, самарасиз ишлайдиган ташкилотларни боқиб келмоқда.



си давомида тенг шароит яратиш қийин янада мустаҳкамланди. Шунингдек, мазкур кодекс орқали илгари қонунчилигимизда бўлмаган мулоқо янги тартиб ва қоидалар киритилди. Булар нима-лардан иборат?

Олдин Ўзбекистон Экологик ҳаракати учун (ҳозир Экология партияси) Қонунчилик палатасига

силотлар аниқ бўлмагани учун турли фикрлар билдириляпти.

Навбатдаги хабар. Ўтган йили катта шов-шув билан «Ўзбекистон почтаси» АЖ бош директорлигига тайинланган хорижлик мутахассис июнь ойи охирида ишдан бўшатилди. Ўзбекистон почтасини гуллаб-йубораман дегандек катта ваъда берган мутахассис ўз ортида 27,8 миллиард сўмлик қарз қолдириб кетгани айтилмоқда. Маълумотларга кўра, хорижлик мутахассис келишидан олдин «Ўзбекистон почтаси» 2016 ва 2017 йилларни даромад билан яқунлаган экан...

Давлат бошқаруви бўйича таниқли эксперт Азиза Умарова «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси мисолида давлат ташкилотлари монополиясининг халққа зарари ҳақида фикр билдирди. «... Бизда ҳаммаси бошқача. Оддий фуқароларда таътилда чет элга чиқиш имкони йўқ, сабаби авиашувчи монополист, Ўзбекистонга рақобат киришига йўл бермаяпти. ...Мен Андижон, Бухоро, Нукус, Қўқондан болаларни Туркиядаги оддий 3 юлдузли меҳмонхонага олиб бориш бизнинг одамлар учун эришиб бўлмас орзулигича қолаётганидан афсусдман... Аҳолининг 95 фоизи ҳаёти давомида денгизни кўрмай ўтади. Шунчаки, кимдир ўз чўнтаги учун ишлашдан тўхтаб олмаслиги ва соғлом рақобат муҳитига эга, тўғри авиация бозорини қўра олмаётгани учун... Ёдда тутинг, давлат монополияси ҳар доим ёмон, ҳамменимизга кўл суқайи ва бизни қамбағалроқ қилади»...

Ўз навбатида миллий авиакомпания шу ва шунга ўхшаш фикрларга расмий муносабат билдирди. Унга кўра, миллий авиакомпания бошқа мўқобил авиакомпаниялар ташкил этилиши ёки хорижий давлатлар авиакомпаниялари мамлакатимиз осмонидан учинишга, арзонроқ нархларда халқимизга хизмат кўрсатишига қаршилик қилмаслигини, соҳада рақобат муҳитини яратиш уларнинг ваколатига кирмаслигини, учини нархларини арзонлаштириш, чипта харидларини қулайлаштириш бўйича маълум ишлар амалга ошири-лаётганини қайд этди.

Аччиқ факт шуки, халқимиз узок йиллардан бери монопол ташкилотлар — «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «UzAuto Motors» (аввалги номи GM Uzbekistan), «Ўзбекистон темир йўллари» ўрнатган юқори нархлардан жабр кўриб, айрим фикрларга кўра, самарасиз ишлайдиган ташкилотларни боқиб келмоқда. Улар жуда улкан ва фаолиятни ушлаб туриш учун маҳсулотлари ва хизматлари юқори-роқ нарх қўйишга мажбур бўлаётгандек. Нархлар пасайтирилса, тамом, гўё уларнинг иқтисодий гилдирга айланмай қоладигандай тасаввур уйғонапти. Аммо бировнинг фаровонлиги бошқаларга оғирлик ташлаш эвазига келадиган бўлса, умумий ўсишимиз имконсиз эмасми?..

Аччиқ факт шуки, халқимиз узок йиллардан бери монопол ташкилотлар — «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «UzAuto Motors» (аввалги номи GM Uzbekistan), «Ўзбекистон темир йўллари» ўрнатган юқори нархлардан жабр кўриб, айрим фикрларга кўра, самарасиз ишлайдиган ташкилотларни боқиб келмоқда.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини аҳоли жон бошига ҳисоблаб, дунё давлатлари билан солиштирилганда, чуқур ўйга толиб қоламиз. Бу борада шундай давлатлардан оқдамаизки, уларни номма-ном келтиришга одам уялади. Бироқ, халқимиз ўзи далада етиштирмайдиган, қўли билан ясамайдиган деярли ҳамма нарсага банд нарх тўлашга мажбур бўлиб келяпти. Сифат-лироқ кийим-кечак, маиш техникалар, автомобиллар ва ҳоказо. Қарийб 30 йилдики, бу ҳолатдан ўтиб кетолмаямиз, аксинча, турли уюшма ва ассоциациялар тақдирлари (бож тўловларини ошириш) билан у яна анча чўзиладигандек, мунтазамликка айланиб қоладигандек таассурот уйғонапти.

Бугун бу масалалар ҳақида кенгроқ фикрловчилар салмоғи ортаётгани кишига таскин беради. Жамоатчилик фикри ҳосил бўлаяпти, ҳали у кучайиши, ундан кейин яна кучайиб давлат идораларига демократик босим ўтказадиган даражага етиши керак. Бунинг учун, албатта, савол берувчилар жуда кўпайиши, давлат одамларини, одамлар давлатни чуқур тушуниши лозим бўлади. Афсуски, ҳозирча аксарият монопол ташкилотлар кўпроқ ўзини ҳимоялаш, амалдаги раҳбарияти фаолиятини оқлаш пайида бўлаётгани, шу илгирда муносабат билди-раётгани, муаммоларнинг сабабларини аввалги йиллардаги ҳатоларга тақашга мойиллиқ сезилаётгани ки-шини ҳайрон қолдиради. «Ўзи аввалдан ёмон эди, биз ҳалиям озорга яхши-ладик», мазмунидидаги бир хил «ашула» жамоатчилигини тез зериктиради, зада қилишимиз мумкин...

Кенг жамоатчилиқка анча таниш бўлиб қолган иқтисодчи Олий Юсупов яқинда шундай шахсий мулоҳаза билди-рибди: «Бизга саноат сиёсати керакми? Ҳа, керак. Лекин у ... рақобатни чеклаш учун божхона тўловларини ошириш, импорт олдиға тарифга хос бўлмаган тўловлар қўйиш, соҳалар, ҳаттоки айрим корхоналар ёки корхоналар гуруҳига им-тиёзлар тақдим этилиши каби сиёсатдан тўбдан фарқ қилиши керак. Буларнинг барчаси селекция саноат сиёсати, яъни мансабдорлар томонидан «го-либларни танлаш» сиёсати, деб ата-лади. Бозор ёки рақобат эмас, айнан мансабдорлар бундай ёндашувда қайси соҳа ривожланиши-ю қайси корхона бозорда қоллиниши ҳал қи-лади. Айнан мана шу сиёсат иқтисодиё-тимизни боши берк кўчага бошлаб келган»...

Ўзбекистон кенг ва ранг-баранг мамлакат, давлат киндиғи бир иқтисодиётни тушуниш анча мураккаб, пул, манфаатдорлик, фойда қай туй-нуқдан қай бир дарҷалар орқали қаер-га кетаётганини аниқ кўриш осон эмас, илдишлар чуқур кетган, минг, эҳтимол миллионга томирдан қон оқадиган улкан организм эслатади. Соҳалар-нинг сир-асорларини, базис ҳолларда қандай қоидалар асосида ўйналаётга-нини яхши билишга, англашга бурчли бўлсак, қайси ташкилот ёки унинг раҳ-барияти нима ҳақида гапириб, амалда нима-лар билан машғул бўлаётгани, ким аслида қимлиги равшанроқ кўрина бошлайди. Бундан ҳамма ютади.

Мурожаатларни ҳал этишга қара-тилган мулоқот ва сайёр қабуллар ўз натижасини бермоқда: қанча она-бо-лалар уйли-ватанли бўлди, яна қанча ҳамюртларимиз дарду ғамидан қути-либ, енгиллашди. Миннатдорлик, дуо-лар осмон қадар... Вақти етиб, мулоқот янги босқичга кўтариляпти, энди халқ давлату раҳбарларни тушунишга ин-тилимда. Бу мулоқотда анча жиддий саволлар бериладиганга ўхшайди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ

ШАХСГА ДОИР
МАЪЛУМОТЛАР:
давлат ҳимояни
кафолатлаши зарур

Президент «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги қонунни имзолади.

Шахсга доир маълумотлар нима дегани? Жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни таниш имконини берадиган, электрон тарзда, қозғалда ва (ёки) бошқа моддий жиҳида қайд этилган ахборотлар шахсга доир маълумотлар ҳисобланади.

Ушбу қонун шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва ушбу жараён иштирокчилари — субъект (улар ўзига тааллуқли бўлган шахс) ва оператор (ишлов беришни амалга оширувчи давлат органи, жисмоний ёки юри-дик шахс) ҳамкорлиги тартибини белгилайди.

Маълумотларга кўра, дунёнинг 40 дан ортиқ давлатида шахсга доир маълумотлар ва шахсий ҳаёт дахлсизлигини ҳимоя этиш тартибини назарда тутувчи қонунлар амал қилади.

Шахсга доир маълумотлар бевосита аниқ бир шахс билан боғлиқдир. Шахсининг био-график маълумотлари, миллати, туғар жойи, касалик тарихи ҳақидаги маълумотлар, проф-фесионал билим ва кўникмалари, оилавий ҳаёти, одадлари, қизиқишлари, диний ва сиё-сий қарашлари ва бошқалар жамият ичидида айланмаган маълумотларнинг катта қисми-ни ташкил этади.

Эндиликда Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-ридаги Давлат персоналлаштириш маркази шахсга доир маълумотлар соҳасидаги вако-латли давлат органи ҳисобланади. Шунч ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, шахсга доир маълумотлар махфийдир: улар эгасининг розилисиз ёки бошқа қонуний асос мавжуд бўлмагани ҳолда ошкор этилиши ва тарқати-лиши мумкин эмас.

Давлат шахсга доир маълумотларнинг ҳи-моя қилинишини кафолатлаши зарур. Мулк-дор ва (ёки) оператор ҳамда шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга руҳсат ол-ган бошқа шахслар субъектнинг розилисиз шахсга доир маълумотларни ўзини-чи шахс-ларга ошкор этмаслиги ва тарқатмаслиги шарт.

Яна бир муҳим масала. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзе-бекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимчалар киритилди. Шу пайтга қадар қонунчилигимизда шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлиқни белгилловчи қои-далар мавжуд эмас эди. Эндиликда Жиноят кодекси шахсга доир маълумотлар тўғриси-даги қонун ҳужжатларини бузиш, деб номлан-ган модала билан тўлдирилди. Шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда тўп-лаш, жамлаш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни тарқатиш билан боғлиқ қонуний ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, мазкур модала-нинг биринчи қисми қоидалар қўлланилади. Умуман олганда, ушбу қонун нафақат фу-қаролар, балки бутун жамият, давлат хавф-сизлигини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тут-ади.

Олимжон ШАМСИЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Мирзо Улугбек туманларо суди судьяси.

Сайлов кодекси

Сайлов кодекси сайловлар сифати таъсир кўрсатадими?

учун шароит яратилди. Депутат-ликка, президентликка номзод кўрсатадиган сиёсий партиялар ва номзодларга сайлов кампания-

маҳсус ўрин ажратиларди. Янги кодексга биноан мазкур тартибга амал қилинмади. Эндиликда ҳар бир партия депутатликка ўринлар

жой олди, амалда бўлган айрим тартиб-қоидалар бекор қилинди. Жумладан, номзодлар ишончли вакиллари сафар харажатларини

синовли жараёнларда ҳаяжонлан-нади. Ёки сайловда илк бор қат-нашаётган йигит-қиз овоз бериш хонасига кирганда нима қилишини билмай қолади. У ерда сайловчи атрофдагилардан ёрдам олол-майди. Ўзи танлаган номзоднинг фамилияси тўғрисидаги катта-чага ёдига келган белгини қўяди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, олдинги тартибга кўра, фақат қў-шув(+) белгисидан фойдаланиш мумкин бўлган. Акс ҳолда бюлле-тен бузилган, деб топилган. Янги кодексда бу борада ҳам қўлайлик яратилди. Қўшув(+), икс(x) ва тў-ри(v) белгиларидан фойдаланиш мумкинлиги белгиланди.

Яна бир янгилик. Сайлов участ-касига овозларни санаб баён-масининг нусхасини 48 соатдан кам бўлмаган муддатда жойлаш-тириш лозим. Шунингдек, давлат ҳокимияти вакиллари органлари-га сайлов пайтида сайлов округлари-ни тузишдаги сайловчилар сониди-га мумкин бўлган энг кўп фарқ 10 фоиздан ошмаслиги кераклиги ҳам кодексда ўз аксини топди.

Кодекснинг яна бир аҳамият-ли жиҳати тўхталсак. Участка сайлов комиссияси аъзоллигига номзодлар фуқароларнинг ўзи-ни ўзи бошқариш органлари, жа-моат бирлашмалари, корхоналар, муассаса ва ташкилотлар томо-нидан тақдим этилади. Номзод-ларлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашиларнинг мажлис-ларида муҳокама қилиниши ҳам-да тегишли сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилиши

Сайлов кодекси

Сайлов олди имзо йиғиш маса-ласи ҳам муҳим саналади. Олдин бир фуқаро фақат бир партиядан кўрсатилган номзодга имзо қўйи-шга ҳақли эди. Бу галги сайловда эса бир фуқаро бир неча партия-дан кўрсатилган номзодга имзо қўйишда иштирок этиши мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик па-латаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бир пайтнинг ўзида ўт-казилган ҳолларда ягона сайлов участкасини ташкил этиш кўзда тутилди. Олий Мажлисининг Се-нати аъзоларини сайлаш тартиби қонун даражасида белгиланди.

Маълумки, Қонунчилик пала-таси депутатлари, Сенат аъзола-ри дахлсизлик ҳуқуқига эга. Янги кодексга кўра, Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳам шу им-тиёзга эга бўлади. Бу сайлов жа-раёни ҳаққоний ва ошқора ўткази-лишига ижобий таъсир кўрсатиши керак.

Янги кодексда сайловларни ташкиллаштириш, ўтказиш ва на-тижаларини эълон қилиш масала-лари бўйича жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилган.

Сайлов давлат, жамият, фуқа-ролар учун ҳам ўзига хос имти-хон. Зеро, бу синовда мамлакат ва миллат келажиги учун муҳим қарорни ҳаммамиз биргаликда қа-бул қиламиз.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Маҳлиё АЛИҚУЛОВА тайёрлади.

Лойиҳа тайёрланган, аммо ҳали уни фикр — мулоҳазалар, таклифлар асосида такомиллаштириш лозим бўлади.



ЎЗБЕКИСТОН ХДП ЯНГИ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАЯПТИ

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида ўтказилган видеомулқотда партиянинг янги Дастури ва Сайловолди дастури тайёрлаш ишлари, ўтган сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳақида сўз юритилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятлов партия Дастурига киритилган вазифалар, уларнинг бугунги кундаги аҳамиятига тўхталиб ўтди. Таъкидланганидек, унда илгари сурилган масалалар давлат миқёсида ўз ечимини топган, айримлари эса ўз долзарблигини йўқотган. Ҳаёт тўбдан ўзгармоқда. Янги-ча шароитда мутлақо янгича Дастур керак. Лойиҳа тайёрланган, аммо ҳали уни фикр-мулоҳазалар, таклифлар асосида такомиллаштириш лозим бўлади.

Партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Махромидин Дархонов дастур лойиҳасининг асосий голлари ҳақида сўз юритди. Аввало, иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, кам таъминланганлар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш партиянинг бош мақсади эканини таъкидлади. Уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш учун шароит яратиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда иштирокини қўллаб-қувватлаш долзарб масала эканига эътибор қаратди.

Йигилишда партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Максуда Борисова партиянинг 2014 йилги Сайловолди дастури ижросига танқидий-тахлилий ёндашди. Хусусан, мазкур дастур ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йиллар давомида 2501 та масала партия гуруҳларида, 1450 та масала доимий комиссияларда, 954 та масала эса маҳаллий Кенгашларнинг сессияларида кўриб чиқилди. Кўпчилик масалалар жойида ҳал этилди. Аммо дастурдан ўрин олган қатор муҳим йўналишлар ечим топмай келмоқда. Бандлик, кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, товар ва хизматларнинг маълумлиги билан боғлиқ вазифалар ижросида суст-кашлика йўл қўйилди. Асосий сабаб дастурда амалга оширилиши режалаштирилмаган вазифаларнинг ижроси юзасидан аниқ усуллар берилмагани, шунингдек, ҳаётдан узоқ масалалар қайд этилганида экани айтилди.

Видеомулқотда минтақавий кенгашлар вакиллари, депутатлар ва мутахассислар янги дастур лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Лола БУЛАКОВА,
Самарқанд вилоят Иштихон туман партия кенгаши раиси:

— Дастурда баландларвоз гапларга берилмаслигимиз керак. Бугун фаолиятимизга, дастурий ҳужжатларимизга ўзимиз танқидий ёндашмасак, жиддий тортишувга киришмасак, сайловчилар бизга танқидий

баҳо бериб қўяди. Ўз ўрнимизни бой берамиз. Масалан, партияимизнинг аввалги дастурларида ҳам, янги-дан тайёрланаётганида ҳам хотин-қизлар масаласига етарлича эътибор қаратилмаган. Ҳозир хотин-қизларни фақат уй меҳнати билан банд қилиш долзарб эмас. Жамиятда аёллар билан боғлиқ муаммо жуда кўп. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, раҳбарлик лавозимларига кўтариш тартибларига оид масалаларни дастурга киритиш керак, деб ўйлайман. Аёллар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар ҳам акс этса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўрабек ЗОИРОВ,
Ўзбекистон ХДП Термиз туман кенгаши раиси, туман Кенгаши депутати:

— Дастурдаги асосий йўналишларни қўллаб-қувватлаймиз. Депутатларнинг самарасиз фаолияти ҳам тўғри танқид қилинди. Шундан хулоса чиқариб, депутатлар ишини кучайтириш, улар билан ҳамкорлигини янада яхшилаш керак, деб ҳисоблайман. Ижрочи котиблар штати жорий қилинди. Афсуски, тизим самарасиз ишлади. Мазкур вазифага интилувчан кадрларни ундай олмадик.

Депутатнинг бири — мактаб директори, бири — фермер, бири — шифокор. Улар фақат ўз соҳасини яхши билади. Уларга сиёсий йўналишда ёрдам кўрсатиш, партиянинг мақсадларини тўғри тушунириш керак, менимча. Очиги, баъзи жойларда партия ташкилотлари депутатлардан умуман узилиб қолган. Бу умумий мазмунда кўп гапирилган, лекин бизга аниқ механизм керак.

Марказий студияда ҳам қўллаб-қувватлашлар билдирилди. Янги дастур аввалгисидан фарқ қилиши, бугунги замон, аҳоли талабига мос бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
Иқтисодийёт фанлари доктори, партия Марказий Кенгаши Фахрийлар кенгаши раиси:

— Бугун аҳоли сиёсий партиялардан, улардан кўрсатилган номзод, халқ вакиллари бўлган депутатлардан аниқ муаммонинг ечимига аниқ ечим кутаёпти.

Сиёсий партиянинг асоси мафкура ҳисобланади. Эртага аҳолининг қаршисига чиқиб, бериладиган ваъдаларнинг самараси ҳақида сўралганда, уялиб қолмаслик керак. Бунинг учун мафкуравий йўналишни пухта, чуқур ёндашиб тайёрлаш керак. Акс ҳолда, партия дастури ҳам, Сайловолди дастур ҳам самара бермайди.

Аваллари партияимизнинг кўп аъзолари тиббиёт ва таълим соҳасига тегишли эди. Нега энди дастури-миз шуларга ҳам йўналтирилмаслиги керак? Менинг фикримча, сиёсий партиянинг электорати чекланиши керак эмас. Улар ихтиёрий равишда исталган партия вакилига овоз беришга ҳақли. Тўғри, биз кам таъминланган аҳоли вакиллари манфаатларини ҳимоя қиламиз. Дастури-мизда шундай жиҳатлар бўлиши керакки, ушбу тоифага кирмаган аҳоли вакиллари ҳам бизга овоз берсин, гоҳларимизга эргашсин.

Аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил қилади. Аммо негадир мазкур масала ҳам эътибордан четда қолиб кетган.

Яна бир муҳим масалага эътибор қаратмоқчиман.

Сайловолди дастурининг бажарилиши хусусида тўғри фикрлар айтилди. Яъни, биз салоҳиятимиз, имкониятларимиздан ортиқ бўлган вазифаларни ўз дастурларимизга жойлаштирдик. Натижада улар бажарилмай қолди. Уша пайтда мана шунга кўзимиз етиб, рад этганимизда ҳам инобатга олинмаган эди. Янги дастурда ана шундай масалаларни яна вазифа этиб қўямиз. Йўқ, бу нотўғри. Келинг, яхшиси, имконимиздан ортигини ваъда бериб, одамларни алдамайлик. Кўлимиздан келадиган ишларни энг юқори кўрсаткичларда бажара олсак ҳам, аҳоли биздан рози бўлади.

Шунингдек, Сайловолди дастури борага тушунарли, очик бўлиши керак. Чека бир қишлоқдаги ишчи аёл, биз манфаатларини ҳимоя қилаётган ёлпанма ишчилар, ижтимоий кўмакка муҳтож шахслар уни тўғридан-тўғри тушуниши лозим. Дастур лойиҳасининг дастлабки кўриниши, табиийки, камчиликлардан холи бўлмайди. Ўндаги бўлишларни тўлдирish, хатоларни тузатиб, пухта ҳолатга келтириш — вазифамиз.

Турсунпўлат НОРБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Сайловолди дастурида, партия Дастурида қандай гоа ва мақсад илгари сурилаётганини чуқур аниглаб, шу асосда таҳлил қилиш зарур. Шу ўринда бугунги дастурлар ўзига нисбати қамраб олиши керак, деган савол туғилади. Аввало, дастурлар электоратимизни қийнаб келадиган масалалардан келиб чиққан таклиф ва ташаббуслардан иборат бўлиши лозим. Агар у ёки бу соҳада уларнинг муаммосига ёрдам бера олмасак, уринишларимиз беқарор. Агар муаммо ечимининг механизмларини олиб чиқмасак, эртага ҳеч ким бизга эргашмайди, ишонмайди.

Бир мисол. Пенсия таъминоти билан боғлиқ қонунимиз бор. Пенсияни тайинлаш юзасидан ҳукумат низоми, тартиб-тамоили бор. Авваллари мана шу меъёрий ҳужжатларга кўра, олий ўқув юртида кундузги ўқиш ҳарбий хизмат меҳнат стажига қўшиллар эди. Бироқ бугунги тартибда ушбу тамойил олиб ташланди. Ёки 2-3 йил давомида фарзанд тарбияси билан уйда ўтирган аёлларнинг таътил муддати нафақани ҳисоблашда киритилмапти. Ваҳоланки, бола тарбияси жуда ҳам масъулиятли ва муҳим вазифа саналади. Фермер ҳўжаликлари, жамоат ташкилотларида фаолият юритадиганлар иш кунин 360 кун этиб белгиланяпти. Бунақа меъёр қаерда бор? Хотин-қизларга тегишли яна бир қатор мана шундай масалалар мавжуд. Биз буларга ўзгартириш киритиш бўйича таклифларимизни беришимиз керак. Агар мазкур йўналишда амалий натижага эришилмаса, ташаббус кўрсатмасак, ижтимоий ҳимоя масаласини тўлиқ қамраб ололмаймиз.

Иккинчиси, юқорида бир таклиф айтилди. Яъни, деҳқон-фермер ҳўжаликлари манфаатларини биз ҳимоя қилишимиз керак. Улар етиштирган маҳсулотини тўлиқ сота оляптими? Афсуски, йўқ. Уларга олдиндан аванс бериш тизими ишламаяпти. Ер эгаси таваккалчилик билан экин экаяпти. Эртага у қасод бўлиб қолиши мумкин. Режали асосда маҳсулот етиштирилса, уларни сотиш қафолланса, деҳқон ютказмайди, янада яхшироқ ишлашга ҳаракат қилади, бозорлари-

мизда тўқиллик бўлади. Демак, уларнинг ҳам ижтимоий ҳимоя масаласини муҳофизат қилиш керак.

Энди муҳофаа масаласига тўхталсам. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини ҳам сафарбарлик қақуруви резервиге тайёрлашимиз керак. Мазкур хизматга энг кам иш ҳақининг 25 баробарини тўлаган инсонлар боради. Ҳўш, бола чин етим бўлса, эртага унга 25 баробарлик маблағни ким тўлаб беради? Ёки ушбу маблағни тўлашга қурби етмаган шахснинг хизмат қилишга ҳаққи йўқми? Унинг орзу-ҳаваси йўқми?

Дастурда яна айрим жиҳатлар бор. Бир жойда кам таъминланган, бир жойда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам, яна бошқасида якка-ёлғиз, дейилляпти. Лекин буларнинг ҳаммасини битта мезонга солиш керак, назаримда.

Қўллаб қонунларни қабул қилиш ҳақида ёзиб қўйдик. Аммо уларнинг муқобилини топа олмадик. Менинг таклифим, фақат қонун қабул қилиш билан чегараланмаслик керак. Амалда бугун ҳаётга татбиқ этилаётган ҳукуматнинг қарорлари, низоми, тартибларини ўзгартириши ҳам дастурга киритиш лозим. Умуман олганда, мақсад битта — дастури такомиллаштириш. Демак, ҳар бир майда жиҳат ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур.

Бунёд ЭШОНҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Хабарингиз бор, жойларда биз бевосита аҳоли билан мулоқотлар олиб бораёلمиз, уларнинг муаммоларини ўрганаёلمиз. Табиийки, ижтимоий ҳимоя масаласида қўллаб қўрғатилар бўляпти. Шунинг учун партияимиз томонидан илгари сурилаётган таклифларнинг натижадорлиги тарафдоримиз.

Кам таъминланганликни аниқлаш мезонларини жойларда кўриб чиққанмиз, ўз таклифларимизни тақдим этганмиз. Лекин шу пайтгача молиявий масала билан боғлиқ бўлгани сабабли инобатга олинмади. Бироқ электоратимиз вакиллари, ҳақиқатан кўмакка муҳтожлар қилиб, кам таъминланмаган шахслар уша маблағни олиш ҳолатлари давом этаёпти. Оддани қийнайдиган масалалардан бири мана шунда. Чунки мезонлар нотўғри белгиланган.

Иккинчи бир масала, арзон уй-жойлар тарқатилишида ҳам қўпол қонун бузилишлар рўй бермоқда. Ушбу муаммоларни ўрганиш ёки уларга ечим топиш юзасидан ҳам таклифлар дастурга киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ёлғиз оналар масаласи ҳам оғир нуқталаримиздан бири. Улар иш билан таъминланмаса, ёрдам кўрсатилмаса, ана шундай оналарнинг фарзандлари кўчада ҳар хил ишларга қўл уриши мумкин. Ўқиб, яхши таълим-тарбия олиш ўрнига, пул топишнинг осон йўллари-ни қидиришга тушади. Енгил-елпи ҳаётга кириб қолади. Биламизки, бунинг охири вой бўлади. Демак, ёлғиз оналар масаласини ҳам эсдан чиқармаслик лозим.

Видеомулқотда билдирилган мулоҳазалар асосида режалар белгилаб олинди.


Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Матбуот анжумани

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан фармацевтика саноатидаги ислохотлар мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда дори-дармон сифатини назорат қилиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида маълумотлар берилди.

Ҳар бир дори ва унинг нарх-навоси ҳақида


мобиль илова орқали батафсил маълумот олиш имконияти яратилади



— Бугунги кунда дори воситаларнинг сифати қатъий назоратга олинган бўлиб, сифатсиз дори воситаларининг ишлаб чиқарилишига ва четдан юртимизга олиб кирилишига умуман йўл қўйилмайдиган, — деди Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази давлат унитар корхонаси ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи Мухаббат Иброҳимова. — Шу мақсадда фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги қишлода Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази ҳам фаолият юритмоқда. Мазкур марказ республикамизга олиб келинаётган дори воситаларининг сифатини назорат қилади ҳамда уларни давлат рўйхатидан ўтказишда. Шунингдек, ушбу муассаса томонидан 2018 йил ва 2019 йилнинг 1 майга қадар сифати талабга жавоб бермагани учун 258 номдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар, 43 номдаги субстанцияларга мувофиқлик сертификатини бериш рад этилди.

— Эндилкида бу борадаги ишлар янада такомиллаштирилиб, дори воситаларини электрон тарзда назорат қилиш тартиби белгиланади, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Фурқат Саноев. — Бундан халқро тажрибаларни ўрганган ҳолда янги тизим жорий этиляпти. Унга кўра, ҳар бир импорт қилинаётган ва ишлаб чиқарилаётган дори воситасига махсус стикерлар ёки ёрликлар жойланиб, дори расталарига етказилади. Келгусида шу стикер ёки ёрликлар асосида аҳоли ҳар бир дори ва унинг нарх-навоси ҳақида мобиль илова орқали батафсил маълумот олиши мумкин бўлади.

Дилдора ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Божхона бекати

8621 ҳуқуқбузарлик ва 102,7 миллиард сўмлик товарлар...

Давлат божхона қўмитасининг жорий йилнинг биринчи ярим йиллик фаолияти якунларига бағишланган Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Видеоселектор шаклида ташкил қилинган йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар божхона бошқармалари, «Тошкент-АЭРО» иқтисослаштирилган божхона комплекси, Божхона институти ва Миллий кинология маркази шахсий таркиби иштирок этди.

Йиғилишда Президентимизнинг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси доирасида божхона хизмати органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган чора-тадбирлар атрофида муҳофама қилинди.

— Ушбу фармоннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг инвестициявий муҳитини янада яхшилаш, адолатли рақобат таъминлашларини жорий этишни таъминлаш ҳамда солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш амалиётини тартибга солишга хизмат қилмоқда, — деди Давлат божхона қўмитаси раиси Муротжон Азимов. — Жумладан, жорий йилда

давлат бюджетига 7,2 триллион сўмга яқин божхона тўловлари ундирилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29,1 фоизга кўпайган. Натижада, божхона тўловлари бўйича қўзланган режа 105,5 фоизга бажарилган. Шу билан бирга, республикамиз божхоначилари томонидан контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш йўналишида ўтказилган ва божхона кўриклари натижасида 8621 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 102,7 миллиард сўмлик товарларнинг ноқонунли олиб ўтилиши ва яширин айланмаси фош қилинди. Хусусан, 18,6 килограмм гиёҳвандлик воситалари, 29 минг 995 дона психотроп таблеткалар, 43 та қурул, 8,6 мингдан ортиқ тақилланган диний мазмундаги материаллар ўз вақтида тўхтатиб қолинди.

Бундан ташқари, божхона органларида ҳавфларни бошқариш тизимининг жорий этилиши божхона назоратини камайтириш, унинг сифатини яхшилаш, мавжуд куч ва воситалардан мақбул фойдаланиш, божхона назоратини ўтказиш ҳамда расмийлаштириш учун сарфланган вақтни қисқартириш ва унинг самарадорлигини оширишга имкон берди. Мисол учун, божхона расмийлаштирувидан

ўтказилган юкларнинг 60 фоизи, шунингдек, экспортга мўлжалланган юкларнинг 82 фоизи божхона кўригидан ўтказилмаган. Шунга қарамай, тизим кўмағида божхона ҳуқуқбузарликларини аниқлаш самарадорлиги деярли 4 мартага ошди ва натижада 18,6 миллиард сўмлик қўшимча божхона тўловлари ундирилган.

Товарларнинг экспорти учун сарфланган вақт 2018 йилга 4,3 мартага қисқариб, 39 дақиқани ташкил қилмоқда.

Ҳозирда юртимизда пишиқчилик паппаси. Табиийки, бу даврда мева-сабзавотларнинг хорижа экспорт қўламини янада ошади. Айни пайтда маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришда божхона ҳодимлари туну кун экспортёрларга кўмаклашмоқда.

Йиғилишда кун тартибидан яна бир долзарб масала кўриб чиқилди. Тахлилларга кўра, ҳисобот даврида дори-дармон ва тиббиёт буюмлари, психотроп таблеткалар ва заргарлик буюмларини ноқонунли равишда олиб ўтишга уринишлар сезиларли равишда ортган.

Бу эса ҳудудий божхона бошқармалари томонидан ушбу йўналишда ҳуқуқбузарликлар про-

филактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишни талаб қилади. Бунда, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан унумли фойдаланиш бўйича масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

Эришилган натижаларга қарамадан, соҳада ҳамоно ўз ечимини кутаётган муаммолар масалалар ҳам борлиги йиғилишда алоҳида қайд қилинди.



Танқидий-тахлилий руҳда ўтган тадбирда тизимда йўл қўйилган қатор камчиликлар атрофида муҳофама қилинди.

Қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ўз вақтида ундириш, божхона тўловларини ҳисоблашда муҳим аҳамият касб этувчи божхона қўйма-тини тўғри белгилаш каби масалалар шулар жумласидандир.


Шунингдек, тизимда коррупцияга қарши курашда мурасасиз муҳитни шакллантириш масалалари чуқур таҳлил қилинди ҳамда йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Муносабат



МАТЕМАТИКА: БУГУН КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАБ



Абдулла АЪЗАМОВ,
академик:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 9 июль кuni Математика таълими ва фанларини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, Фанлар академиясининг В.Романович номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги тарихий қарорни имзолади.

Ушбу муҳим ҳужжат мамлакатимизда илим-фаннинг барча баҳалари каби математика фанини ҳам, ва унинг тарихи самара берадиган бошқа соҳаларни ҳам янада ривожлантириш учун фундаментал аҳамиятга эга. Олдинги пайтлар бундай соҳаларга астрономия ва механика, физика ва техника, картография ва метеорология кирган бўлса, ҳозирги вақтда математика бўйича билимлар ахборот коммуникация технологиялари, сунъий интеллект, йирик ҳажимдаги маълумотлар билан ишлаш, эконетрияда зарур бўлиб, улар борган сари кимё, биология, тиббиёт, социология ва бошқа соҳаларда ҳам татбиқ этилмоқда. Ахборот коммуникация технологиялари ривожлангани ва ишлаб чиқаришни компьютерлаштириш даражаси ошиб борагани сайин ҳаётнинг барча соҳаларида математика билимларига бўлган талаб ва эҳтиёж кучаяверади. Шунинг учун биз тўла асос билан айтишимизки, ушбу қарорнинг аҳамияти математика фани доираси билангина чекланмайди.

2018 йил 19 июль куни Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида Президентимиз томонидан ўтказилган йиғилишда мамлакат ривожланишида математика фанининг аҳамияти тўғрисида фикр юритилган, фаннинг бу соҳаси анча йиллар давомида эътиборсиз қолгани афсус билан қайд этилган эди.

Кенг жамоатчиликка маълумки, ўтган асрнинг саксонинчи йилларидан илмий соҳани, айниқса илим-фанини молиялаштириш «Қолдиқ тамойили» асосида амалга оширила бошлаган. Соддароқ қилиб айтганда, «бюджет дастурҳонида илим-фана фақат ушқоқлар тегади». Ушбу ахвол бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида янада оғирлашди. Зеро, Фанлар академиясини ушлаб туриш осон эмас. Фундаментал фанга инвестиция тезда самара беравермайди. Иқтисодий натижа ўн йиллардан кейин олиниши мумкин. Устига-устак ҳар бир илмий ишланма ҳам фойда келтиривермайди. Шу каби сабаблар билан илмий тадқиқот ишларига йўналтирилаётган маблағлар йилдан-йилга қисқариб бори.

Бундай ёндашув натижасида мамлакат илим-фан тизимида катта зиён етказилди. Хусусан, «ақл оқими» деб аталадиган жараён юзага келди — истеъдодли олимлар ривожланган мамлакатларга чиқиб кета бошлади.

Шундай мураккаб шaroитга қарамастан Математика институти раҳбарияти барча имкониятларни ишга солиб еш математикларни илмий ишга жалб этишга ҳаракат қилди. Уларнинг илмий ишларидаги қўриқларни ушбу имконият тўғрисида, ҳозирги илмий марказларга сафарбар қилиш йўллари изланди. Зотан, устоз аллома академик Тошмухаммад Саримсоқовнинг шундай қийматили гапи бора: «Ёши

улуғлардангина ташкил топган илмий жамоа — Бу фоҳиа, фақат ёшлардан ташкил топган илмий муассаса эса комедия». Бу сўзлари билан атоқли олим илмий мактабларда авлодлар алмашиб туришини, илим-фан сахнасини ташлаб чиқарган олимлар ишини муносиб давом эттирадиган ёш истеъдодларни тарбиялаш нақадар муҳимлигини қайд этган.

Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, Математика институти илмий ходимларининг ўртача ёши 47 га тенг. Илмий муассасанинг истиқболи учун муҳим бу қарорнинг янада яхшиланиб боради, дейиш учун барча асос мавжуд — охириги йилларда илмий ходимлар маоши бир неча баробар ошди, илмий даражалар учун устима сезиларли микдорда катталашди, 2018 йилда қатор илмий муассасалар қаторида Математика институтининг базавий харажатлари бюджетдан молиялаштиришга ўтказилди. Қиёслаш учун эслаш жоиз — 2002-2017 йиллар давомида ҳаттоки коммунал хизматлар ҳам илмий тадқиқотлар учун ажратилган грант маблағлари ҳисобидан қопланар эди, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш учун умуман маблағ берилмаган. Бундай ёндашув қандай оқибатларга олиб келиши яхши маълум. Бу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки институти дунё математиклари ўртасида ўз оғурига эга, ҳар йили ушлаб хориқлик мутахассислар семинарларда фикр алмашиб, илмий тадқиқотларда ҳамкорлик қилиш мақсадида таширф буюрадими, очигини айтганда, институтидаги шaroит учун биз меҳмонлар олдига ўзимизни анча-мунча нуқуллар сезар эдик. Президентимизнинг қарори туфайли Математика институтининг шaroити кескин яхшиланади, худди шу йўналишдаги энг яхши хорижий муассасалар шaroитига тенглашади.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ 2020 йил 1 январдан институти молиялаштириш тўлиқ бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши ҳам қувончлидир. Бу тадбир илмий фундаментал табиати йўналишлардаги, айниқса математика бўйича тадқиқотлар ҳақиқатдан ҳам чуқур муаммоларни ҳал этишга қаратилишини кўзда тутди. Чунки натижада ҳисоботлар ва рейтинглар талаби билан микдорий кўрсаткичлар кетидан қувмай, эътибор ва салоҳиятнинг натижаларининг сифатига қаратишга имкон яратилади. Сирдан қараганда, илмий тадқиқотларни молиялаштириш танлов асосида ютилдиган грантлар орқали молиялаштирилиши тамойилига зиддек туюлади. Гап шундаки, грантлар муайян мавзуга берилиб, аниқ бажариш муддати белгилаб қўйилади. Бу муддат одатда 2 йилдан 5 йилгача бўлиб, тематик режага мувофиқ чоракма-чорак ҳисобот талаб этилади. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, бундай тизим ўзини фақат амалий мавзулардаги тадқиқотларга нисбатан оқлайди. Мисол тариқасида айтсак, пахтанинг муайян талабларга жавоб берадиган янги нави яратиш ёки қишлоқ ҳўжалиги техникасининг янги конструкциясини ишлаб чиқиш ана шундай тартибда олиб борилиши мақсадага мувофиқ. Ўз пайтида Ер сунъий йўлдошини бир орбитадан бошқасига ўтказишнинг оптимал вариантини топиш, учаш аппаратларини автоматик қўндириш масалалари математикадаги амалий тадқиқот намунаси бўлган. Бундай табиати ишлар грантлар асосида молиялаштирилиши кераклиги равшан. Фундаментал фанларга келсак, улар сирасига биринчи навбатда математика кирди, албатта, чуқур илмий натижаларга эришишни олдидан режалаштириб бўлмайди. Аксинча, олдиндан, «Фалон муддатда олинадими» деб режалаштирилмаган натижа сира ҳам фундаментал бўлмайди. Ўн йиллар давомида очик қўлаётган муаммоларни ҳал этиш олимлардан узоқ муддат, бор диққатни, ақлни жамлаб қаттиқ изланишни талаб этади. Шунинг учун қатъий режалаштириш ва қисқа муддатли ҳисоботлар нафақат илмий изланишларга ёрдам беради, балки уларга тўсиқ бўлади.

Шу нукта назардан қарорда Ўзбек

математиклари ўз тадқиқотлари даражасини янада юксалтириши, улуғ аждодларимиз — алгебра ва алгоритм тушунчаларининг асосчиси ал-Хоразмий, илмий геодезия фанига таъмал тошини қўйган Берунийларга муносиб тарзда энг юксак натижа ва ютуқларни қўлаб ишлашлари учун муносиб шaroит яратиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга унда мамлакат иқтисодиёти ва бошқариш тизимини инновацион янгилашда математика фанининг муҳим ўрни ҳам кўрсатиб ўтилган. Яхши маълумки, математика асрлар давомида дунёни билишнинг самарали воситаси сифатида хизмат қилиб келган. Бугунги кунга келиб математик моделлаштириш илим-фан тарихидаги муҳим омилилардан бирига айланган. Бунга ёрқин мисол америкалик олимлар А.Хожин ва Э.Хаксли томонидан яратилган, нейрон тўқималари бўйлаб нерв импульсларининг тарқалишини тавсифловчи математик модель бўлиб, у бир неча нерв касалликларининг сабабини очишга имкон берди. Бу ўз навбатида ана шу касалликларни самарали даволаш усуллари ишлаб чиқишга асос бўлди. Компьютер дaвири бошланиши билан бундай мисоллар сонин геометрик прогресс тезлигида ошиб бормоқда. Улар сирасига Математика институти ходимлари томонидан ишлаб чиқарилаётган талай моделлар, жумладан, кимёвий реакциялар моделлари кирди. Яна бир мисол учун иссиқлик электр станцияларига бириктирилаётган айланб турувчи регенератив ҳаво қиздирувчи агрегатда иссиқлик тақсимотининг математик моделини кўрсатиш мумкин. Бу модель амалиётга жорий этилган тақдирда сезиларли даражада маблағ тежаш имкониятини беради.

Математиканинг татбиқий имкониятларини ҳисобга олиб, ҳужжатда Институт илмий лабораторияларидан бир қисмини амалий тадқиқотларга йўналтириш вазифаси топирилган.

Маълумки, фундаментал фанлар натижасини амалиётга қўллаш бир томондан олимлар, иккинчи томондан иқтисодиётнинг реал секторлари ва бошқарув соҳаси мутахассислари яқин ҳамкорлигини талаб этади. Ифодали қилиб айтганда, бу борада икки томонлама ҳаракатни таъминлайдиган ишончли қўприк зарур. Зотан, тадқиқотлар натижаларининг бўғлуси истеъмолчилар иштирокисиз амалга оширилган ишлар соф илим-фан нуқтаси назаридан нақадар қизқарли бўлмасин, жорий этишга келганда умуман маъносиз бўлиб қолиши мумкин. Яна шундай ҳам бўладики, олимлар амалиёт билан боғлиқ масалани ечишда, аммо у назарий натижаларга қўлиб кетади. Чунки уни амалиётга татбиқ этишни қийин, айтайлик, бирор корхона раҳбари ўз зиммасига олиши керак. Бу муайян даражада иқтисодий тавakkалчиликни тақозо этиши оддий ҳол. Жаҳон тарихисига кўрсатадики, қаерда илим-фан ва ишлаб чиқариш қўлма-қўл иш юритса, бундай муҳитни яратиш масаласи ижобий ҳал этилган бўлса, ўша ерда инновацион ривожланиш ҳам, иқтисодий тараққиёт ҳам юқори ўсиш суръатига эришади. Очигини айтиш керак, биз ўзимизда қўпичча бунинг тескарисига шохид бўлаёмиз — мамлакатимизнинг илмий-техник салоҳиятини писанд қилмаслик кузатилади. Қўп мутасаддиларда ҳамон «хорижийники сотиб олган яхши» деган фикр устувор. Бундай қарашни синдириш вақти етди. Хоҳ маҳсулот бўлсин, хоҳ хизматлар — ишлаб чиқариш соҳаларини илим-фан билан бир-бирига яқинлаштиришга интилиш керак. Шуниси қувончлики, Президент қарориди олимларимизнинг илмий ишланмаларини амалиётга жорий этиш муаммоларига алоҳида ўзгүр берилган. Хусусан, математикада олимаётган натижаларни бошқа фанлар ва турли соҳаларда фойдаланиш имкониятларини ўрганиб, тегишли хулосалар чиқариш ва чора-тадбирлар қўришга қаратилган, манфаатли томонлар иштирокида учрашувлар, самарали маслаҳатлашувлар ташкил этиш топирилиг билан.

Пайтдан фойдаланиб шуни қайд этиш лозимки, математик методлар, айниқса, бошқарувда катта самара бериши кузатилади. Бошқариш объекти қанчалик катта бўлса, бошқаруving илмий услубларидан фойдаланиш шу қадар катта самара беради. Афсуски, қўллаб қорхона ва муассасалар раҳбарлари замонавий бошқариш усулларини еқтиравермайди, ўз даврини ўтаб бўлган эски маъмурий-буйруқ-бозлик услубларидан воз кеча олмайди. Ҳолбуки, жаҳонда тўртинчи sanoat инқилоби даври авж паллага кирган. Бошқарув объекти қанчалик сертармоқ, мураккаб тузилмалли бўлса, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун шунчалик қўп вақт ва ресурс сарф бўлиши аниқ. Бундай шaroитда «қарор қабул қилиш назарияси», «тармоқлаб режалаштириш» ҳамда компьютерли моделлаштириш деб аталадиган амалий математика соҳаларидан фойдаланиш бошқариш жараёнларини жидай оптималлаштириш имконини беради.

Қарорда умумтаълим мактабларидан то олий ўқув юртларигача бўлган тизимда иқтидорли ёшлар билан ишлаш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш муаммоларига, айниқса, математик олимпиадаларни ташкил этишга махсус эътибор қаратилган. Шу ўринда эслаш лозимки, мамлакатимизда математик олимпиадалар ҳаракатини академик Саъди Сирожиiddинов бошлаб берган ва умрининг охиригача математика олимпиадалари республика ташкилий қўмитасининг расми бўлган. Ҳақамлар ҳайъати олимпиада ҳаракатининг фидойилари бўлган профессорлар математиклар — асосан Математика институтининг илмий ходимлари ва ЎзМУ математика факультетининг профессор-ўқитувчиларидан тузилар эди. У пайтларда олимпиаданинг якуний босқичи юртимизнинг турли шаҳарларида ўтказилган. Ҳар бир ҳудуд жамоаси олти ўқувчидан иборат бўлиб, юқори ўн синф ўқувчиларидан таркиб топиши қатъий белгиланган. Шу билан бирга олимпиадада ўтказиладиган ҳудудий бирликка — у хоҳ Тошкент шаҳри бўлсин, хоҳ Жиззах вилояти — асосийсидан ташқари яна бир жамоа билан иштирок этиш ҳуқуқи берилган. Ҳар бир ўқувчига унинг математика ўқитувчиси ҳамроҳлиқ қилар, натижада олимпиада математика байрамига айланади кетар, математик олимплар билан иқтидорли ёшлар, энг фаол ўқитувчилар ва халқ таълими бошқармалари методистлари тургидан-турги мулоқот қиладиган майдонга айланарди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатда олимпиада ҳаракатининг мустақамланиши ва кенгайтиришга омил бўлиб хизмат қилган, ўқувчи ёшларда математикага қизиқишни кучайтириш, бу қийин фанга муҳаббат туғиусини ўйотиш ва мустақамлашга хизмат қилган. Шунини алоҳида қайд этиш керакли, ўзбек математикларининг бугунги кундаги ютуқлари асосан ўша даврга қўйилган пойдевор устида турибди.

Афсуски, ўтган асрнинг 90-йилларидан профессорлар математиклар фикрлари ҳисобга олинмай, олимпиада тизимига мутлақо мақсадга мувофиқ ўзгартиришлар киритилди. Бунинг натижаси яхши бўлмади — ҳозиргача мамлакатимиз терма жамоаси қўп ва бронза медаларини қўлга кирита олди, холос. Айниқса, 2018 йилги Ҳалқаро математика олимпиадасида терма жамоанинг натижаси ниҳоятда қониқарсиз бўлди, устига устак терма жамоанинг олти аъзосидан учтаси мусобақадан четлатилди.

Қарорда математика олимпиадаларини «Сирожиiddинов руҳида» тиклаш ва чуқурлаштириш бўйича қатор чоралар кўзда тутилган. Шунингдек, математика ўқув фанлари бўйича дарсликлар ва қўлланмалар Математика институтида экспертизадан ўтказилиши белгилаб қўйилган. Умид қиламизки, Халқ таълими ва Олий таълим вазирликлари Қарор руҳидан келиб чиқиб математика мутахассисликлари ва малака ошириш курсларининг ўқув режалари ҳамда


дастурларини тузиш ёки қайта қўриб чиқишда мамлакатимизнинг етакчи математиклари билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Мамлакатимизнинг математиклар жамоатчилиги Президентимиз қарорини кўтаринки руҳда қабул қилди. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши муносабати билан математиканинг яна бир ижтимоий вазифасини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. У ҳам бўлса, математиканинг аҳоли интеллектуал савиясига фаол таъсир кўрсатиш хусусиятидир. Ҳар қандай миллатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётдаги ютуқлари, аслини суриштирганда, таълим шакллантирадиган интеллектуал салоҳиятга асосланади. Бунда математик таълим ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бунда сўз математик билимлар йиғиндисини берувчи фан устиди кетмаяпти. Эътироф этиш лозимки, аксинча математик билимлар ҳаётда физик ва биологик ҳодисалар ҳақидаги билимларга нисбатан қамроқ талаб этилади. Сўз инсон тафаккурини қуроллантирувчи фан бўлиши математика ҳақида. Бу бир қатор хусусиятлар билан белгиланади. Биринчидан, математика ўқувчи ва талабаларда мантикий фикр юритишни ривожлантиради, ҳатто бу хусусиятга эга ягона ўқув фани дейилади. Учинчидан, математикада ҳар бир тасдиқ қатъий исбот талаб қилади. Мантиқ эса мактабдан сўнг олий ўқув юртини битирган ҳар қандай мутахассисга зарур. Иккинчидан, математика аниқ фикрлашни шакллантиради, ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода этишга ўргатади. Бусиз муҳокама ва баҳслар қўпичча натижасиз якунланишига доим гувоҳ бўламиз. Учинчидан, математика ўқувчиларни алгоритмик тафаккур билан қуроллантиради. Бундай тафаккур унсурлари қадимий математик ёдгорликлардаёқ учрайди (масалан, икки та сонни ўзаро қўпайтириш қоидаси одамнинг миёсида алгоритм тарзида сақланади). Бироқ Муҳаммад ал-Хоразмий туфайли бундай фикрлаш ўзига хос тафаккур услуби сифатида шаклланган. У ҳозирги замонда компьютерлар ва компьютерлашган техника билан ишлашда ниҳоятда зарур. Шу билан бирга алоҳида қайд этиш лозимки, фақатгина сифатли математик таълим асосидагина ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш мумкин. Айниқса, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва экспорт қилиш дастурлаштириш мутахассисларидан пухта математик илмни талаб этади. Ва аксинча, математикани яхши ўзлаштирган кишигина дастурлаш мутахассиси бўла олади. Тўртинчидан, математика эвристик тафаккурга ўргатади. Бу — масала ечиш, ностандарт масалаларни ечиш гоъяларини излаш, қийин муаммолар «чакалқори»дан йўлни топиш дегани. Қўп қадамда ечилишган масалалар билан машқ қилиш, теоремаларнинг ўқувчи мулоҳазалар орқали исботлаш жараёнида ўқувчиларда таҳлилий (аналитик) тафаккур ҳам ривожланади.

Ўқувчида табиий эътироз туғилиши мумкин: математиканинг ҳаётдаги ўрни ошириб юборилмаяптими? Бунга жавобан шундай бир қонуниятни таҳлил этиш тавсия этилади. Бу қонуният замон қўлаида ҳам, макон кесимида ҳам ўз кучини кўрсатиб келади. Унга мувофиқ қарач ва қаерда у ёки бу тамаддун юксак ривожланишга эришган бўлса, шу давр ва ҳудудда математика фани ва таълими ҳам юксак даражада ривожланган. Шунинг учун Президентимизнинг ушбу қарори келажакка қаратилгандир. Унда Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожланган давлатга айлантириш мақсадига эришишнинг муҳим омилиларидан бири мужассам — халқимизнинг интеллектуал салоҳияти ва бунёдкорлик қудратини намоён этишга, шу мақсадда зарур шарт-шaroит яратишга қаратилган. Бу тарихий ҳужжатда қайд этилган топириклари амалга ошириш институт жамоаси, мамлакат математиклари жамоатчилиги зиммасидаги масъулият ва шарафли вазифадир.

Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА,
ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОННИ СОҒИНАМИЗ



Сэмюэл Мазерс, Принстон университети, АҚШ:

— Бу ёзда мен профессорлар Фарҳод Эшматов ва Рустам Турдубоев раҳбарлигида илмий иш олиб борапман. Бизнинг гуруҳимизда яна бир нафар америкалик битирувчи курс талабаси ва бир нафар ўзбекистонлик илмий изланувчи бор. Биз илмий ишимизда Calogero-Moserнинг турли хил мутаносиблигини бутунлай алгебраик контекста ўрганиб чиқяпмиз. Дастлаб метематик физикадаги масаладан илҳомланган ҳолда метематик физика услубидан фойдаланиб олдин исботланган натижаларни қайта тақорлашни ва уни кенгайтиришни ният қилганмиз.

Тадқиқотларимизни Математика институтидаги тажрибали ҳамроҳ изланувчилар билан бирга олиб бораётганимиздан жуда ҳам мамнунмиз. Ўзбекистонлик устозларимиз илмий ишимиз мавзуси билан таништириб, Calogero-Moser моделининг мукамаллигини ва унинг бошқа соҳалар билан боғлиқлигини тушунмасдан ҳам бу илмий ишга ўз ҳиссамизни қўшадиган даражага муаммони оsonлаштириб берди.

Математика институтидаги барча профессор ва талабалар жуда очикқўнгил экан. Мен Ўзбекистонга келишдан аввал мослашиб кетишим қийин бўлса керак, деб ўйлагандим. Лекин янги муҳитга мослашим мен ўйлагандан анча силлиқ ўтди. Ҳақиқатда мен икки томонлама ҳам математикада, ҳам оддий ҳаётда катта таърибага эга бўлдим. Бу ердаги бир марталик дастуризмизни ўз ичига олган 3 ҳафта якунига етгач, албатта Ўзбекистонни соғинамиз.



Жакоб КЕСТЕН,
Райс университети, АҚШ:

— Ўзбекистон Фанлар академияси, Математика институтида бир ойдан зиёдроқ вақт давомида математика тадқиқотлари билан шуғулланмоқдаман. Ўзбекистонлик буюк математик Фарҳод Эшматов билан ишлаш, математика ва алгебраик геометрия соҳаси ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш мени жуда қувонтиради. Олимнинг кириш дарслари фойта қизқарли бўлди. Профессорлар Фарҳод Эшматов, Рустам Турдубоев ва докторантлар билан лойиҳа устида иш олиб бораётганим, институтида ҳамкорлик ва дўстона муҳитни ҳис қилдим. Ҳар бир инсон биргаликда ишлаш ва бир-бирига ёрдам беришга тайёр, чунки ҳар бири киши бажариладиган ишни тушуниши таъминланади ва ҳеч қанча орқада қолмайди. Ушбу муҳит тадқиқот ва тажриба учун жуда қўлай бўлиб, математикани янада қизқарли ва ҳаяжонли ўрганишда ёрдам беради. Маданий жиҳатдан, Тошкентда яшаш катта тажриба бўлди. Ўзбек оиласида биз халқингизга хос бўлган урф-одат ва анъаналарни ўргандик. Шаҳарнинг чиройли бинолари ва диққатга сазовор жойларини қўриш имконига эга бўлди. Шунингдек, биз Ўзбекистонда янги одамлар, жойлар ва гоъялар билан танишдик. Бу ерда ўқиш жуда ажойиб тажриба бўлди ва келгуси ўн ҳафтни секинроқ ўтишини истаيمان.

Шаҳбоз САИДОВ ёзиб олди.

Ишончим комилки, Ўзбекистонни янада ажойиб истиқболлар кутмоқда.

Ўзаро ҳамкорликнинг ижобий натижалари нафақат икки мамлакат раўнақида, балки бутун минтақа таракқиётига ҳам хизмат қилмоқда



Цзянь Янь, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари барча соҳаларда жадал ривожланмоқда. Ўза муҳбири кенг қиррали ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболлари ҳақида Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Цзянь Янь хоним билан суҳбат уюштирдим.

— Элчи хоним, сўнги йилларда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан минтақада тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш, илчил тараққиётга эришиш бўйича илгари сурилаётган халқаро ва минтақавий ташаббуслар ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Президент Шавкат Мирзиёев халқаро ва минтақавий ташаббусларнинг турли тadbирларида фаол иштирок этиб келмоқда ва муҳим ташаббусларни илгари сузмоқда.

Минтақада тинчликни қарор топтириш масаласига келадиган бўлсак,

2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббусни эсласликнинг имкони йўқ. Унинг асосида БМТнинг «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва илчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» резолюцияси қабул қилинган эди.

Ўзбекистон Президенти қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва шерикликни ривожлантириш тарафдори бўлгани ҳолда, Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни қатъий илгари сузмоқда. Чегаралар, сув ресурсларидан фойдаланиш каби минтақада тўлғаниб қолган муаммоларни бартараф этишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айнан Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви бўлиб ўтган эди. Бу минтақа мамлакатлари ҳамкорлигида янги саҳифа очди.

Шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг «Бир макон, бир йўл» лойиҳаси доирасида диний бағрикенглик, ёшлар масалалари, минтақада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган муҳим ташаббусларини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ўзбекистон Президентини Хитойда узоқни кўра билладиган, қатъиятли ислохотчи сифатида танилган. Сўнги икки ярим йил ичида Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида турли соҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди, бу борада ёрқин натижаларга ҳам эришилди.

Бу жараёнда халқ манфаатлари ҳақида эътибор марказида бўлиб келмоқда. Президент Халқ қабулхоналари ташкил этилди, коррупцияга қарши кураш олиб борилмоқда, давлат ҳокимия-



ти органлари фаолияти самарадорлиги мониторинг қилинмоқда. Таълим тизими такомиллаштирилиб, ойлик маошлар ва пенсиялар бир неча бор оширилди, хотин-қизлар ва болалар билан ишлаш, миллий маданият, тарихий меросни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиёти янада очик ва шаффоф бўлди. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланмоқда. Айниқса, инвестиция муҳитининг сезиларли яхшиланигани алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг самарасида Ўзбекистонга кенг қўламли хорижий, жумладан, Хитой инвестициялари ҳам кириб келмоқда. Мамлакат хорижий давлатлар билан мулоқотни фаол тарзда йўлга қўйди, қўшни мамлакатлар билан муносабатлари яхшилади ва халқаро майдондаги ўз позициясини янада мустаҳкамлади.

Шаҳар қўчалари бўйлаб сайрга чиққанлар, атрофдаги инсонларнинг турмушидан мамнунлигини кўраман. Ишончим комилки, Ўзбекистонни янада ажойиб истиқболлар кутмоқда. Хитой, Ўзбекистоннинг самимий дўсти сифатида давлат барҳаруви соҳаси-

да ўз тажрибаси билан ўртоқлашишга ҳамда мамлакатни модернизация қилишда яқиндан ҳамкорликка тайёр.

— Олий даражадаги ташрифлар доирасида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— 2017 йилда Президент Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди. Ўшбу ташриф доирасида халқаро ҳамкорлик бўйича «Бир макон, бир йўл» биринчи халқаро форумида иштирок этди. Ўшбу йирик тadbир якунлари бўйича қўллаб қўллашувларга эришилди.

2018 йилда Ўзбекистон давлат раҳбари ШХТнинг Циндао саммити доирасида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашди. Икки мамлакат раҳбарлари Хитой — Ўзбекистон стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва ШХТ-ни янада ривожлантириш бўйича янги келишувларга эришди.

Жорий йилда Шавкат Мирзиёев «Бир макон, бир йўл» иккинчи халқаро форумида иштирок этиш учун Хитойга ташриф буюрди. Ўшбу ташриф давомида давлат раҳбарлари яна бир бор

учрашишди ва унинг доирасида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган янги вазифалар белгилаб олинди.

Олий даражали мулоқотлар чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш мақсадида ҳамкорликда «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди. Унинг ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар бутун ўз самарасини бермоқда. Нефтьгаз, гидроэнергетика, қишлоқ хўжалиги, гуманитар соҳаларда қатор лойиҳалар амалга оширилди. Турли соҳалар бўйича делегациялар алмашинуви жадал ривожланмоқда. Ўзбекистонда етиштирилган гипос ва мошини Хитойга экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Маълумотларга кўра, ўтган йили Хитой Ўзбекистоннинг йирик савдо ҳамкори сифатидаги ўз ўрнини сақлаб қолган. Жорий йилнинг май ойида Тошкентда мактабгача таълим соҳасида Ўзбекистон — Хитой форуми бўлиб ўтди. Шунингдек, археология, туризм, илмий-техник соҳаларда ҳам икки томонлама ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб бормоқда. Тошкентда Фармацевтика илмий-тадқиқот марказининг ташкил этилгани ҳам фикримизга мисол. Мунтазам равишда археологик топилмалар кўргазмалари ўтказиб келинмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, Ўзбекистонга ташриф буюраётган хитойлик сайёҳлар сонини ҳам ортиб бормоқда.

Энг қувонарлиси, ўшбу эришилган барча натижалар икки мамлакат раўнақида хизмат қилиш баробарида бутун минтақа учун ҳам бирдек манфаатли бўлмоқда.

Ўза муҳбири
Улугбек ШОНАЗАРОВ
суҳбатлашди.

МАРҲАМАТ ОБОД БЎЙМОҚДА

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

Андижон вилоятининг Марҳамат туманида «Обод қишлоқ» ҳамда «Обод туман маркази» дастурлари доирасида кенг қўламли қурилиш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Бугун Марҳаматда бўлаётган ўзгаришлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Айтиш жоизки, кейинги бир неча ой ичида туманининг, айниқса, туман марказининг қўрғини бутунлай ўзгариб кетди. Қўллаб янги савдо, хизмат кўрсатиш шохобчалари, турар жой бинолари, кенг ва раво йўллар, хибонлар бунёд этилиб, туман кйефасига ўзгача кўрк бағишланмоқда.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида жорий йилда туманда кенг қўламли қурилиш, бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Қўвунчи, Қорақўрғон, Бозорбоши маҳаллаларида 25 миллион, шунингдек, «Обод туман маркази» дастури асосида Наврўз, Мингтепа, Ўзбекистон, Турон, Гулiston, Дукчи Эшон маҳаллаларида 772 миллион сўмдан зиёд ҳажмдаги қурилиш, обodonлаштириш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Белгиланган ишларни бажаришда нафақат марҳаматликлар, балки вилоятдаги кўп қоржона ва ташкилотлар вакиллари, қўшни туманлардан хашарга келган қурувчилар, йўлсозлар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Асака — Марҳамат магистраль йўлининг туман ҳудудига кирувчи 15 километр масофаси кенгайтирилиб, шағал ётқизирилиб, асфальт билан қопланмоқда, — дейди Шахрихон автомобил йўлларидан фойдаланиш унитар қорхонаси раҳбари Мирзохид Нурматов.

— Йўлнинг четларига лотоклар ётқизирилиб, пивдалар учун йўлакчалар ҳам қу-



рилмоқда. Бу ишлар нафақат автомобил ҳайдовчилари, балки пивдалар учун ҳам катта қўлайликлар яратади.

Умуман, юқоридаги дастурлар доирасида туман ҳудудига қарийб 60,3 километр узунликдаги йўлларда қурилиш, таъмирлаш, асфальтлаш ишлари бажарилиши режалаштирилган бўлиб, айни кунга қадар 24,6 километр йўлга шағал ётқизилди, 16,2 километри асфальтланди. Йўл четларига 840 дона бетон лоток ўрнатилди.

Бундан ташқари, дастурлар асосида ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига 92 километр масофага янги сув тармоғи тортилиши, 7 та сув қудуғини таъмирлаш ишлари белгиланган бўлса, шу кунга қадар 69 километра янги сув тармоғи тортилиб, 3 та ичимлик суви қудуғи таъмирланди. Шунингдек, 10,8 километр оқова сув тармоғи тортиш, янги оқова сув тозалаш иншоотини бепро этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда, Қаридон сув тозалаш иншооти реконструкция қилинмоқда.

— Қўчамизда асосан ёш оилалар яшайди, — дейди Наврўз маҳалласи, Алломиш кўчасида яшовчи Раҳима

Аҳмадгайиева. — Ичимлик суви масаласи бизни анча қийнади, бир неча нариддаги кўчадан ташиб олиб келинарди. Айниқса, мен каби ёш болани аёллар қийналарди. Мана, қисқа вақт ичида қўчамизга ичимлик суви келтирилди. Бундан бехад мамнунмиз.

Жорий йилда 13,7 километр масофага янги газ тармоғи тортиш, 1,2 километрда демонтаж ишлари, 7 та газ тақсимлаш пунктини таъмирлаш режалаштирилган. Айни кунга қадар қарийб 20 километр масофадаги тармоқ янгиланди, демонтаж ишлари бажарилди, 10 та газ тақсимлаш пункти таъмирланди. Табиий газ етиб бормаган қўчалар аҳолисини суялтирилган газ билан таъминлаш мақсадида шу йилнинг ўтган даврида 252 та хонадонга газ баллонлари етказиб берилди. Бу борадаги ишлар яна давом эттирилмоқда.

Кейинги икки йил ичида амалга оширилган ишлар натижасида туманда электр энергияси таъминоти тубдан яхшиланди. Электр таъминотидаги узилишларга барҳам берилди.

Жорий йилда биригина «Обод туман

маркази» дастури асосида 492 та симёғочни бетонли устунларга алмаштириш, 12,5 километр масофадаги электр линияларини қопламали кабелларга алмаштириш ишлари бажарилиб, 4 та янги трансформатор ўрнатилди.

— Қўчамиз қишда лой, ёзда чанг, тупроқ бўларди, — дейди Қўвунчи маҳалласи «Олтин мерос» кўчасида яшовчи уй бекаси Шоирахон Мамаева. — Қўчамиз шағалланди, ичимлик суви келтирилди. Айниқса, қўчамиздаги шамол бўлса, эгиллиб турадиган симёғочлар бетонлисига алмаштирилиб, кабелли симлар тортилганидан хурсандимиз.

Дастурлар амалга оширилаётган қайси маҳалла, кўчага бормайлик, бўлаётган ишлардан одамларнинг мамнунлигини кўрдик. Обод жойга меҳмонлар кўп келади. Худудга сайёҳлар оқимининг ортиши эса иқтисодиётнинг ривожига таъсирини кўрсатиши табиий.

Бобохўросон маҳалласида яшовчи ўзбек цирки, дорбозлик санъатининг усталаридан бири Юнусали ота Ғозиевнинг хонадониди бўлди. Ота-хон нафақага чиққан, эл хизматидан ортиб, нафақат хонадонини, балки уйи ёнидан оқиб ўтувчи зах сув оқадиган ариқ бўйларини жаннатмонанд богга, дам олиш масканига айлантирди. Бу ердаги мева, манзарали дарахтлар, гуллар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Дам олувчилар учун эса барча шароит яратилган. Жумладан, тиббиёт хонасида керак бўладиган дори-дармонлар бор, волейбол ҳамда машғулотлар майдонлари эса болалар билан гавжму.

Ўшбу масканга аҳолига янада кенгроқ қўлайлик яратиш, ички туризмни ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан умумий қиймати 30 миллион сўм бўлган санитария-гигиена маскани қуриб берилди.

Хонадон ўртасига эса дор тикилган. Отадон раҳбарлигидаги «Андижон самоси» оилавий дорбозлар гуруҳи ўз томошалари билан дам олувчиларни

хушнуд этади.

Кетиш чоғида ўшбу дам олиш маскани фахрий меҳмонлари ўзларининг дил сўзларини ёзиб қолдирган каттагина дафтарга кўз югуртирдик. Қанча-қанча нуфузли меҳмонлар, санъаткорлар, Қирғизистон, Тожикистон, Россия, Корея, Япония, Хитой, Польша сингари хорижлик сайёҳларнинг дил сўзларини кўрдик.

Бир неча кун аввал вилоят ҳокими Ш.Абдурахмонов туризмни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси, умрининг салмоқли қисmini мана шундай хайрли ишларга бағишлагани учун Юнусали ота Ғозиева «Spark» автомашинаси совға қилгани отанинг кўп йиллик эзгу ишларига берилган муносиб баҳо бўлди.

Марҳамат туманининг туризмни ривожлантириш борасида ҳам эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда. Маълумки, туманда «Мингтепа» археологик ёдгорлиги жойлашган.

— Халқимизнинг қўна тарихини акс эттирувчи «Мингтепа» ёдгорлиги нафақат юртимиз, балки хорижлик сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди «Мингтепа» — маданий мерос» жамоат фонди раҳбари Ортиқали Хусанов. — Мингтепа харобалари халқимизнинг қадим тарихи ҳақида қўллаб маълумотларни беради.

Хитойлик ва ўзбекистонлик олимлар томонидан олиб борилган қазилмалар чоғида топилган ноёб осори атиқалар қимматли илмий-тарихий аҳамиятга эга. Ана шунинг ҳисобига олиб, туристларни жалб этиш мақсадида очик осмон остида «Мингтепа» музейини ташкил этиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Юртимиз ободлиги, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишлардан туман ахли беҳад хурсанд. Бу ерда ким билан суҳбатлашмайлик, уларнинг қалбиди овоз ва обод юртга бўлган меҳр, унинг юксалиб, янада тараққий этиб бораётганидан фахр-ифтихор туйғулари жўш ураётганлигига ғувоҳ бўлдик.

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўза муҳбири.

БИЛАСИЗМИ?

Ходимларга таътил

қуйидаги ҳолларда уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қўлай бўлган бошқа вақтда берилиши керак



— Ён тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ёни олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муқддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

— I ва II гуруҳ ногиронларига;

— 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

— Ён саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

— таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитилганларга;

— жамоа шартномаси, келишувиди назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Касб вазифасини бажараётган

шахсларга куч ишлатиш жавобгарликка сабаб бўлади



Ижтимоий тармоқларда касб вазифасини бажараётган шахсларга нисбатан айрим фуқаролар томонидан куч ишлатиш ҳолатлари акс этган видео-ёзувлар тарқалмоқда. Бундай ҳолатда қонуңчиликда қандай жавобгарлик кўзда тутилган?

Ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахсларга нисбатан қонуңуний ҳаракатларни содир этиш жавобгарликка сабаб бўлади.

Хусусан, бундай қонуңуний ҳаракатларни содир этган шахсларга нисбатан:

— қасддан одам ўлдириб жиноятини содир этиш — 15 йилдан 25 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан;

— қасддан баданга оғир шикаст етказиш — 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан;

— қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш — 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан;

— ўлдириб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш — 300 соатдан 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан;

— ҳақорат қилиш — энг кам ойлик иш ҳақининг 400 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилгача озодликни чеклаш ёки 1 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Тест синовлари

қуйидаги назорат тартибда олиб борилади



Олий таълим муассасаларига кириш тест синовлари ўтказиладиган бинода тест синовлари жараёнини тўлиқ назорат қилиш мақсадида қоида тариқасида, 30 нафар абитуриент учун битта видеокузатув тизими ўрнатилиши, жараёнини абитуриентларнинг ота-оналари онлайн тарзда кузатиши учун зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши шарт.

Бинода бир нафар абитуриентга қоида тариқасида, 2 м2 дан кам бўлмаган жой тайёрланади.

2019 йил 1 августдан бошлаб

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик пенсиялари оширилади


— II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик пенсиялари энг кам миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан 75 фоизига оширилади;

— II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар — пенсионерларнинг пенсияларига устама миқдори энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 75 фоизига оширилади;

— боқувчисини йўқотганлик нафақаси миқдори меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари сонига амалдаги фоизлар нисбати сақланган ҳолда ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

2019 йилнинг 1 августидан I гуруҳ ногиронлик нафақаси, шунингдек, 16 ёшдан катта болаликдан I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчиларга ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдоридан қўшимча тўлов жорий қилинади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huququiy axborot» канали.



Давлат божи тўланмаса, иш қўрилмайди. Аризачининг эса тўловга имконияти йўқ.

Кўчада қолган кекса олим ўз уйига қачон қайтади?

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Наманган муҳандислик технология (собиқ Наманган муҳандислик-иқтисодий) институти доценти, кафедра мудири Мадаминжон Деҳқонов ҳар куни Андижон вилояти, Балиқчи туманидан ишга қатнаб талабаларга сабоқ берган. Бир вилоятдан иккинчи вилоятга ҳар куни қатнаш қийинлиги ҳисобга олиниб, институт маъмурияти томонидан 1998 йилда Наманган шаҳридан унга турар-жой олиб берилган.

Институтнинг 1998 йил 25 февралдаги 15-сонли ички буйруғи ва 10 мартдаги 73-сонли ҳисоб варақ фактураси асосида «Хилол» хусусий фирмасига қарашли, Наманган шаҳар 1-кичи даҳа 65-уйнинг 58-хонадони 280 минг сўмга нархланиб, институт балансида сотиб олинади. Уйга тегишли бўлган ҳужжатлар (уй ордери, чизмаси, калит)ни фирма вакили И.Неъматуллаев ўз қўли билан институт комиссиясига тақдим қилади. Илмий кенгаш қарори билан бу хонадон Мадаминжон Деҳқоновга оиласи билан яшаш учун берилди. Ҳужжатларни комиссиядан қабул қилиб олган М.Деҳқонов шу уйда 16 йил тинчгина яшаб, талабаларга сабоқ бериб келди.

2013 йилнинг июнь ойида А.Маматов деган нотаниш шахс Мадаминжон Деҳқоновга учрашиб, у яшаб турган уйни 1997 йилда Буваходжаев Нуъмонжондан тилхат асосида сотиб олганини, 2013 йил 20 майда Наманган шаҳар 6-давлат нотариал идорасида тасдиқланган олди-сотди шартномаси асосида уйга эгалик ҳуқуқини қўлга киритганини, уйни бўшатиб беришини талаб қилади.

Мадаминжон Деҳқонов уйнинг барча ҳужжатлари ўзининг қўлида эканини, уларсиз олди-сотди қилиш мумкин эмаслигини айтиди. Бунинг устига, уй институт балансида. Бу масалани институт раҳбарияти ҳал қилади, дейди. Шундан кейин А.Маматов М.Деҳқоновни уйдан мажбурий қўчириш, моддий ва маънавий зарарларини ундириб бериш ҳақида судга даъво ариза билан мурожаат қилади. 2013 йил 4 сентябрда Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро суди судьяси О.Турдиев «Хилол» фирмаси бошлиғи И.Неъматуллаев эгалик ҳуқуқи бўлмаган мулкни институтга қонунда белгиланган тартибда тузилмаган, нотариус тасдиқламаган шартнома асосида сотгани, сотиб олинган уй давлат рўйхатидан ўтказилмаганини асос қилиб М.Деҳқоновни яшаб турган уйдан мажбуран қўчириш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқаради.

Шундан кейин Наманган муҳандислик технология институти мазкур хонадоннинг олдинги эгаси Н.Буваходжаев, А.Маматов ҳамда Наманган шаҳар 6-давлат нотариал идорасининг шу иш бўйича олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида судга даъво аризаси киритади. Иш 2014 йил 27 августда Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судида судья И.Қўзибоев раислигида кўриб чиқилади. Лекин негадир судга жавобгар А.Маматов, «Хилол» фирмаси вакили И.Неъматуллаевлар чақирилмайдди. Даъвогар — институт вакилининг бу шахсларни судга чақиритиш ҳақидаги талаби инобатга олинмайдди.

2014 йил 27 августда Фуқаролик

ишлари бўйича Наманган туманлараро судида иштирок этган уй эгаси Н.Буваходжаев: «Уйни 17-18 йил аввал Маматов Абдулмажидхонга тилхат орқали сотганман. А.Маматов Фарғонага кетадиган бўлиб, уни бир шахсга сотмоқчи бўлиб, заклад олган. Хотини жанжал қилганидан кейин уйни «Хилол» фирмасига сотган. «Хилол» фирмаси институтга сотган. 2013 йилда А.Маматов билан олди-сотди шартномаси тузганми», — деб кўрсатма берган. Шу тариқа иш ҳатто судда қатнашишни ўзига эп кўрмаган А.Маматов фойдасига ҳал этилади. Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят суди кассация инстанциясининг 2015 йил 15 январдаги ажримси билан суднинг бу ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилади.

Ҳўш, бу низоли хонадон аслида кимники ва нима учун бунчалик талашув-тортишувларга сабаб бўлмоқда?

Наманган шаҳар 1-кичи даҳа 65-уйнинг 38- ва 58-хонадонни Н.Буваходжаевга тегишли бўлиб, А.Маматовнинг Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига берган даъво аризасининг 1-бандида: «58-хонадонни Н.Буваходжаевдан 1997 йилда тилхат орқали сотиб олдим», дейилган. 2013 йил 20 майда Наманган шаҳар 6-давлат нотариал идорасида тасдиқланган олди-сотди шартномасининг 3-бандида эса «Уй 2007 йил берилган 38450-сонли давлат ордерига асосан Н.Буваходжаевга тегишли», деб кўрсатилган. Бу мантиқсизлик эмасми?

65-уй 58-хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи 4092-сонли давлат ордери Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 22.04.1993 йилда Н.Буваходжаевга берилган. Унда Н.Буваходжаевга 2007 йилда берилган 38450-сонли давлат ордери қаердан келиб қолди?

«Наманган ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 8 августдаги 64-сониди «1993 йилда Н.Буваходжаевга берилган 65-уй 58-хонадонининг ҳужжатлари (4092-сонли давлат ордери) 2006 йил 13 майда юз берган ёнгин натижасида ёниб кетгани учун бекор қилинади» деган мазмунда эълон берилди. 2007 йил 10 августда (эътибор беринг, газетада эълон қилингандан бир кун ўтиб!) Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан Н.Буваходжаевга 65-уй 58-хонадон учун янгидан 38450 рақамли давлат ордери берилади!

Аслида эса, ФПҚнинг 283-284-моддалари талабига кўра, уйга эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган янги ордер ва бошқа тегишли ҳужжатларни бошқача тартибда олиш ёки тиклашнинг имкони бўлмаган



тақдирда, фуқарога бу ҳужжатлар суднинг ҳал қилув қарори асосида берилади. Уйини 1997 йилда А.Маматовга сотган Н.Буваходжаевга қўмита мутасаддилари томонидан суднинг ҳал қилув қарорисиз 2007 йилда янги ордер ёзиб берилиши кишида шубҳа уйғотади.

Қонун бўйича, ёнгин офати содир бўлган хонадон соҳибига ёнгин назорати маҳкамаси тузган далолатнома асосида ордernинг дубликати берилиши керак эди. Лекин анг қизили, 65-уй 58-хонадонга тегишли, эгалик ҳуқуқини берувчи 4092-сонли давлат ордери ёниб кетмаган, у талабаларга дарс бериб юрган Мадаминжон Деҳқоновнинг қўлида эди! Бундан ташқари, янгидан берилган 38450 рақамли ордер Н.Буваходжаевга тегишли иккинчи хонадон, яъни, 65-уйда жойлашган 38-хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқи сифатида берилган.

Наманган шаҳар «Ермулқадас» ДУК бошлиғи А.Ҳожиёв томонидан 2013 йил 10 июнда тасдиқланган 01/1920-рақамли маълумотномада: «Наманган шаҳар кичик ноҳия, 65-уй, 38-хонадон бўйича 2007 йил 10 августдаги 38450-сонли давлат ордерида асосан фуқаро Буваходжаев Нуъмон Раҳматуллаходжаевич номига кадастр ҳужжати тайёрланган. 1-кичик ноҳия 65-уй, 38-хонадон 5 хонадан иборат. Яшаш майдони 58,66 кв.м., фойдал майдони 93,78 кв.м., инвентар нархи 2956244 сўмни ташкил қилади,» — деб тўғри кўрсатилган.

2007 йилда янгидан берилган 38450 рақамли ордер асосида Наманган шаҳар кадастр хизмати ДУК томонидан 38-хонадон (58-эмас!) Н.Буваходжаев номига кадастр ҳужжати расмийлаштирилади. У қўлида тегишли ордер, кадастр ҳужжати бўлмагани ҳолда 58-хонадон бўйича А.Маматов билан олди-сотди шартномасини тузади ва уни тасдиқлаштиш учун Наманган шаҳар 6-сонли давлат нотариал идорасига боради.

Бу шартномада Наманган шаҳар 1-кичи даҳа 65-уйдаги (рақамларга эътибор қаратинг!) яшаш майдони 58,9 кв.м., фойдали майдони 88,8 кв.м бўлган 58-хонадон олди-сотдиси акс эттирилган.

2013 йилнинг 20 май куни нотариус Б.Турсунқулов ҳужжатдаги уй рақамларини эътиборга олмасдан (нотариус бундай ҳолатларни эътиборга олмаслиги мумкин эмас!) шартномани тасдиқлаб, 10 кун муддат ичида уни кадастр рўйхатидан ўтказиш шартлигини таъкидлайди.

Нотариус тасдиқлаган шартноманинг 5-бандида: «Ушбу шартномага қадар квартира ҳеч кимга сотилмаган, низода бўлмаган, гаровга қўйилмаган ва бировга ўтказилиши тақиқланмаган», — дейилган.

Судда жавобгар сифатида қатнашган Наманган шаҳар 6-сон давлат нотариал идораси вакили З.Муҳиддинов Н.Буваходжаев томонидан 38-хонадон ордери ва кадастр ҳужжати тақдим этилган бўлишига қарамай, нима учун нотариус Б.Турсунқулов 58-хонадон олди-сотдиси бўйича тузилган шартномани тасдиқлагани ҳақидаги саволга жавоб беролмайдди...

2013 йил 4 сентябрда Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлар-

аро суди ҳал қилув қарорининг, 3-сакциясида кўрсатилишича, Н.Буваходжаевга тегишли бўлган 65-уй, 58-хонадон Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 22.04.1993 йилда берилган 4092-сонли давлат ордерида асосан 6-давлат нотариал идораси томонидан 2013 йил 20 майда тасдиқланган олди-сотди шартномаси бўйича қонунда белгиланган тартибда сотилган эмиш.

Қайси далилларга асосланиб бундай ҳулоса чиқарилди? Буни техник хато ёки эътиборсизлик дейиш мумкинми?

Қонунларимизда кўчмас мулк олди-сотдиси шартномасида нотариал шаклда рўйхатдан ўтказиш тартибларига риоя қилинмаган бўлса, унга сохта ҳужжатлар асосида даъвогарлик қилганларга бериб юбориш мумкинлиги кўрсатилмаган. Фуқаролик Кодексининг 112-моддаси 2-бандида: «Агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ва қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса битимни нотариал расмийлаштиришдан бош торса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди,» дейилган.

Институт 58-хонадонни сотиб олаётганида шартномани тўла бажарган. Келишилган сумма банкка тўла ўтказиб берилган. Мулк ўз вақтида қабул қилиб олинган. Суд эса мулкни А.Маматов фойдасига ҳал қилапти.

Яшаб турган уйдан ва севимли ишидан айрилган Мадаминжон Деҳқонов ҳозиргача бу масалани адолатли ҳал қилиш бўйича турли инстанцияларга шикоят хати билан мурожаат қилиб келмоқда. Лекин бири иккинчисидан фарқ қилмайдиган жавоб хатларида фирма билан институт ўртасида тузилган шартнома кўчмас мулк олди-сотдиси учун қонунда белгиланган шаклда ва мазмунда тузилмагани, нотариал тартибда тасдиқланмагани, давлат рўйхатидан ўтказилмагани, фирма низоли уйга нисбатан эгалик ҳуқуқига эга бўлмагани учун суд қарорларига протест келтириб бўлмаслиги кўрсатиб келинмоқда.

М.Деҳқонов сўнгги умид билан Республика Олий судига ариза билан мурожаат қилди. Шикоятлар ва фуқароларни қабул қилиш бўлими бошлиғи А.Эронов томонидан 2016 йил 27 октябрь куни имзоланган жавоб хатида давлат божи тўланмагани учун бу шикоят ҳаракатсиз қолдирилгани билдирилган. М.Деҳқонов давлат божининг 50 фоизини тўлаган тақдирда Олий судга қайта мурожаат қилиши мумкин экан. М.Деҳқонов илм кишиси, жўжабирдай жон, бутун умр институтдан олган маоши билан яшаган, ҳозиргача ҳатто велосипед ҳам ололмаган. Бироқ қонун қонунда. Низоли уйнинг баҳоси эсатихминан 150 миллион деб белгиланган тақдирда ҳам М.Деҳқонов берган шикоятини ҳаракатга келтириш учун дастлаб 15 миллион сўм, кейин яна 15 миллион сўм давлат божи тўлаши керак экан. У бунча пулни қаердан олади? Қўчада қолган кекса олим шу ҳақда ўйламоқда, лекин уйнинг охирига етолмаяпти...

Нуруллоҳ ДОСТОН, Ўзбекистон овози мухбири.

ЖИНОЯТ СОДИР БЎЛДИ!..

Кафолат хати учун 50 000 доллар



2019 йил 8 июль куни Навоий шаҳрида яшовчи 40 ёшли Ж.Н. республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилиб, унда Навбахор туманида яшовчи 50 ёшли А.Х. ва Қизилтепа туманида яшовчи 55 ёшли Р.Я.лар унга «Обод қишлоқ» Давлат дастурига асосан Қонимех тумани Қўча массивида қурилиши режалаштирилган 4 қурилиш объекти учун Қонимех туман ҳокими номидан кафолат хати олиб бериш эвазига ундан 50 000 АҚШ доллари талаб этаётганикларини маълум қилган.

Мазкур мурожаат юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳодимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир натижасида А.Х. ва Р.Я.лар Навоий шаҳрида жойлашган «Тожмаҳал» кафесида Ж.Н.дан 50 000 АҚШ долларини олаётганида ушланган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Автобус ағдарилиши натижасида...



11 июль куни соат 11:00ларда Сирдарё вилоятининг Ховос туманида яшовчи, «Гулистон карвон транс сервис» МЧЖ ҳайдовчиси 51 ёшли А.А. «Isuzu» русумли автобусни Янгихаёт МФЙ ҳудудидан ўтувчи «Душанбе-Тошкент» йўлида ҳайдаб кетаётган вақтида бошқарувни эппай олмай, йўл четига чиқиб кетиши натижасида автобус ағдарилган. Автобусда 20 нафар йўловчи: 15 нафари ёш, 3 нафари эркак киши; 2 нафари вояга етмаганлар бўлган. Ҳайдовчи автобусни қизил рангли «Спарк» русумли автомашинаси сиқиб кетганлиги туфайли йўл транспорт ҳодисаси содир бўлганлигини билдирган.

Натижада икки нафар аёл йўловчи жароҳат олиб, касалхонага ётқизилган, шунингдек, қолган 18 нафар йўловчиға шифохонада тиббий ёрдам кўрсатилиб, уйига жавоб берилган. Ҳайдовчи А.А. жароҳат олмаган.

Ҳолат юзасидан дастлабки терговолди ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Босқинчи қўшни



14 июль куни соат 01:20ларда Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида яшовчи 30 ёшли К.Е. қўниси 42 ёшли Э.Д. исмли аёлнинг уйи ҳовлисида уни қўқитиб, ўткир тигли жисм билан жароҳатлаб, 1 жуфт бижутерия зираклари, ҳисобида пули бўлмаган банк пластик картчаси ва «Samsung» русумли мобил телефони олиб, воқеа жойидан яширинган. Натижада Э.Д. касалхонага ётқизилиб, К.Е.ни ушлаш чоралари қўрилган.

Ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 164-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Муҳандис ишчинини

жароҳатлади



14 июль куни Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳар ИИБдан тушган ҳужжатларга кўра, вақтинча Тараққиёт маҳалласида яшовчи «Ванда металл» МЧЖ муҳандиси 35 ёшли Л.Ж. иш жойида ўзаро жанжал сабаби ишчи, Мирзабод туманида яшовчи 21 ёшли С.Қ.нинг бошига темир бўлағи билан уриб жароҳат етказган. Натижада С.Қ. касалхонага ётқизилган.

Ҳолат юзасидан Л.Ж.га нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Нилуфар ТўРАХОНОВА, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси катта инспектори, лейтенант.

«Агробанк» чакана хизматларни ривожлантирмоқда

«Hyatt Regency Tashkent» меҳмонхонасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида банк ҳодимлари аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳақида маълумот беришди.

Бугунги кунда Агробанкнинг 950 дан ортиқ инфратузилма шохобчалари бўлиб, яъни 178 филиал, 208 та минибанк, 95 махсус касса, 226 валюта айирбошлаш шохобчаси ва 246 халқаро пул ўтказмалари шохобчалари орқали 223 минг нафардан ортиқ юридик шахсларга ҳамда 2,5 миллиондан ортиқ жисмоний шахсларга кенг турдаги хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банк томонидан аҳолига қарийб 2,4 миллионга пластик карта муомалага чиқарилди ва йил бошига нисбатан 84 мингтага кўпайди. Муомалага чиқарилган халқаро пластик карталар сони жорий йилнинг 6 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 баробарга ўсди. Банк кассалари, валюта айирбошлаш шохобчалари ҳамда конверсион бўлимларида «Visa» халқаро тўлов карталарини қабул қилувчи 400 дан ортиқ терминал ўрнатилди.

Аҳоли ва микроларнинг даромадларини ошириш мақсадида ҳозирги кунда банк томонидан жами 7 турдаги омонат, шундан 5 та миллий ва 2 та хорижий валютадаги омонат турлари тақдим этилиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида омонатларга жалб қилинган



маблаглар 1 068,1 миллиард сўмни ташкил қилмоқда. Ушбу кўрсаткич йил бошига нисбатан 258,3 миллиард сўмга ёки 131 фоизга ўсган.

Банк кредитга эҳтиёжи бўлган аҳоли қатлами учун кенг қўламдаги кредитлаш тармоғига эга бўлиб, узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ажратиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 6 ойлик муддати давомида 227 мингдан ортиқ микрожамии 1 триллион 64 миллиард сўм кредитлар ажратилган. Шундан, 587 миллиард сўм микроқарз, 245 миллиард сўм автокредит, 205 миллиард сўм истеъмол кредити, 19 миллиард сўм таълим ва 8

миллиард сўм овердрафт кредитлар ажратилган.

Шунингдек, валюта сисъатининг либераллаштирилиши нафақат аҳолига, балки тадбиркор ва инвесторларга қўлаб турдаги валютата оид хизматларни кўрсатиш бўйича кенг имкониятларни яратди ва ушбу йўналишдаги хизматлар қўлпани кундан-кунга ошиб бормоқда. Хусусан, 2017 йилнинг сентябрь ойидан жорий йилнинг шу даврига қадар 595 миллион АҚШ доллари (2,5 миллион жойлашган барча филиаллари орқали, юртимизнинг бир ҳудудидан бошқа ҳудудига миллий валютата пул ўтказмала-

2019 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, халқаро пул ўтказмалари айланмаси 456,5 миллион АҚШ доллари, шундан хорижий давлатлардан юртимизга жўнатишган валюталар миқдори 437,7 миллион АҚШ долларни, Ўзбекистон Республикасидан хорижий давлатларга юборилган валюталар миқдори эса 18,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда уникал маҳсулот тури ҳисобланган. Агробанкнинг республикамиз бўйлаб жойлашган барча филиаллари орқали, юртимизнинг бир ҳудудидан бошқа ҳудудига миллий валютата пул ўтказмала-

Ўз мухбиримиз.

15—18 июль кунлари республика бўйича ҳаво ҳарорати юқорилиги сақланиб туради.

БУГУННИНГ ГАПИ

Ёз мавсуми айна авжга чиққан шу кунларда об-ҳаво масаласи кундалик суҳбат мавзуларидан бирига айланган. Аҳоли ўртасида «Синоптиклар ҳароратнинг ҳақиқий кўрсаткичини яширишяпти, аслида ҳарорат кундузи 47-50 даражага борапти», деган гаплар ҳам юрибди. Баъзилар эса уйдаги ҳароратни ўлчаш асбоблари 60 даражани кўрсатаётганини айтмоқда.

Бу гап-сўзлар қанчалик тўғри?

— Айна вақтда аҳоли ҳароратни аниқлайдиган маиший термометрлардан кенг фойдаланмоқда, — дейди «Ўзгидромет»нинг бош синоптиги Ирина Зайцева. — Бу асбобларнинг қабул қилиш қисми қуёш нури ёки атрофдаги предметларнинг иссиқлик нурланишидан ҳимояланмаган. Бундай ҳолатда термометр ҳаво ҳароратини эмас, балки термометрнинг қабул қилувчи қисми қизиган даражасини ўлчайди.

Тўғри, қуёш нурлари остида (очик ҳаво) бўлган инсон ҳаво ҳароратини эмас, Қуёшдан келаётган, ер юзасидан кўтарилаётган ҳамда атрофдаги қизиган предметлар ўзидан чиқараётган энергия таъсирида иссиқлик босимини ҳис этади. Автомашинадагилар қуёш нурлари таъсирида қизиган машина корпусининг иссиқлик нурланишини ҳис қилади. Шунинг учун тик қуёш остидаги ҳарорат сояга қараганда анча юқоридек сезилади.

Метеорологик кузатувлар Жаҳон Метеорология Ташкилоти қоидаларига мувофиқ ягона услубда ва ягона стандарт шароитларда ўтказилади. Хусусан, ҳаво ҳарорати ер сатҳидан 2 метр баландликда ўрнатилган махсус шамоллатиладиган метеорологик будкада ўлчанади. Ўлчов асбоблари доимий равишда текширилади, уларнинг кўрсаткичлари эталон асбоб кўрсаткичлари билан солиштирилади.

Шунинг учун ҳаво ҳарорати тўғрисида аниқ маълумотларни билмоқчи бўлсангиз, Ўзгидромет прогнозларидан фойдаланишни ва уларга ишонини таклиф қиламиз.

Шаҳар аҳолиси ёз жазирасини енгилроқ ўтказиши учун куюк соя берадиган дарактларни кўпроқ экиш, аҳолининг дам олиши учун яшил хибонлар ва сердаракт парклар барпо этиш, ариқларни чиқинди-

лардан тозалаб сув билан тўлдирish зарур. Буларнинг барчаси шаҳарда мақбул микроклим ва жазирама иссиқ кунларда қулай яшаш шароитларини яратди.

Яна шунини айтиш кераки, ҳозирга қадар жаҳонда энг юқори ҳаво ҳарорати АҚШнинг Калифорния штатидаги Ўлим водийси ва Ливия чўлида қайд этилган бўлиб, у 57-58 даража иссиқни ташкил этган.

Ўзбекистонда энг юқори ҳарорат эса Қизилқум чўлида ва Термиз шаҳри яқинида қайд этилган бўлиб, у 50 даража иссиқ бўлган.

Тошкент шаҳрида ёз мавсумининг энг юқори иссиқ даври 1997 йилнинг 18 июль кунини бўлган. Бунда иссиқлик ҳарорати 44,6° даража иссиққа тенг бўлган.

— Аслида июль ойи ёзнинг ўртаси, шу боисдан ҳам одатда энг юқори ҳароратлар июль ойига тўғри келади, — дейди Ирина Зайцева. — Халқ орасида чилла деб, аталадиган энг иссиқ ҳароратли 40 кунлик даврининг катта қисми шу ойга тўғри келади. Бу даврда Ўрта Осиё ҳудуди, шу жумладан Ўзбекистон паст босимли атмосфера оқимлари таъсирида бўлади. Қизиган чўллар устида юқори ҳароратли ва таркибида нам жуда кам бўлган континентал тропик ҳаво оқимлари шаклланади. Бу ёзнинг ўртасида ҳавонинг кам булутли, қуруқ ва жазирама иссиқ бўлишини белгилайди.

Бу йилги июль ойи ҳам бундан мустасно бўлмаяпти. Ўтган ҳафтада ҳам кундуз кунлари Ўзбекистон ҳудудида одатдагидек 40-42 даража атрофидаги иссиқ ҳаво ҳарорати кузатилади. Жануб ва чўл ҳудудида 43-45 даражани ташкил этди.

Яқин ҳафта ичида бутун республикада ҳудудида ана шундай иссиқ об-ҳаво сақланиб туради. Ҳарорат кечаси 27-29, кундузи 40-42 даража, мамлакатимиз



Жазирама иссиқ кунларда

синоптиклар ҳароратнинг ҳақиқий кўрсаткичларини яшириятими?

жануби ва чўл зоналарида кечаси 30-32 даража, кундузи 43-45 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Бу ёз ўртаси учун ўртача кўп йиллик кўрсаткичлардан 5-7 даражага юқори бўлганини кўрсатмоқда. Ўзбекистондаги бундай иссиқ ҳавони атмосферадаги жанубий-ғарбий оқимлар келтириб чиқармоқда, иссиқ ҳаво ҳарорати республикамиз ҳудудига асосан Эрон ҳудудларидан кириб келмоқда.

Бугунги кунда об-ҳавонинг бундай юқори кўтарилиши иқлим ўзгариши билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Таъсири бутун дунёда сезилаётган иқлим ўзгариши (иссиқ)нинг асосий сабаби

атмосферада иссиқхона газлари микдорининг ортишидир. БМТ Жаҳон метеорология ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунгача глобал йиллик ўртача ҳаво ҳарорати 1880 йилдаги даражадан 1°C га ортган. Ўзбекистоннинг ҳудудида шу давр учун ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 1,6°C га, яъни 13,2 дан 14,8°C га кўтарилди. Бу иссиқ жадаллиги глобал кўламда кузатилаётган ўртача иссиқликдан юқори. Ўзбекистон иқлим ўзгариши таъсирига кўпроқ мойил бўлган мамлакатлар қаторига кириди.

Инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига ёзги иссиқлик бевосита хавф туғдирмайди. Бироқ иссиқликнинг салбий таъсиридан, ай-

ниқса, энг иссиқ кунларда ўзингизни ҳимоя қилишингиз керак.

Аваллаббор, куннинг айна исиган вақти қуёш тағида юрмаслик лозим. Агар шундай зарурат бўлса, бош кийим кийиш, тананинг очик жойларини соябонда ҳимоя қилишга ҳаракат қилинг. Етарлича чанқоқбосди ичимликлар истеъмол қилинг, лекин улар жуда муздек ҳам бўлмасин, энг яхшиси кўк чой ичган макул.

Намга бой мева ва сабзавотлар истеъмол қилинг. Ўтпир ва жуда ёғли оғдат еманг. Музлатиш ускуналари билан жиҳозланманган дўкон ва расталардан тез бузиладиган маҳсулотлар харид қилманг.

Агар кондиционерли хонада ўтирсангиз

уни 18 даражадан пастга қўйманг.

Яна шунини маълумот ўрнида айтишим мумкин, 15-18 июль кунлари республика бўйича ҳаво ҳарорати юқорилиги сақланиб туради.

Ҳаво кундуз кунлари 40-42 даражага, жанубда ва чўл ҳудудларда 43-45 даражага бўлади. Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида гармсёл бўлиши мумкин.

15-18 июль кунлари республиканинг тоғ олди ва тоғли ҳудудларида ҳаво ҳарорати кўтарилиши ҳисобига Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудларидан гляциал (музли) сел тошқинлари ўтиши мумкин.

15-18 июль кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 22-27 даража, кундузи 39-44 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳам ҳаво бироз булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 24-29 даража, баъзи жойларда 30-32 даражага, кундузи 40-45 даража иссиқ бўлади.


Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 24-29 даража, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 24-29 даража, баъзи жойларда 30-32 даражага, кундузи 40-45 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан 5-10 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 22-27 даража, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



QISHLOQQURILISHBANK



миллий
валютадаги
муддатли
«Юбилей»
омонатини
таклиф этамиз.

Омонатга маблағлар:

- 2019 йилнинг 2 августигача;
- 25 ойга қабул қилинади.

Омонатнинг юқори миқдори — 25 000 000 сўм.

Омонат фоизи — йиллик 22 %.

Ҳисобланган фоиз тўловлар ҳар ойда амалга оширилади.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ
ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV Ulug'bek VAFOYEV Mahmud TOIR	Qalandar ABDURAHMONOV Saidkamol XODJAYEV Muslihidin MUHIDDINOV Shuhrat JALILOV	Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) To'lg'in TO'RXONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
---	--	---

Qabulxona — (71) 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-47-80, (71) 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 751. 3611 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 22:55.

Topshirilgan vaqti — 02:55.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchi:

Zafar BAKIROV



ISSN 2010-7633

4 772010 763006

Gazetaning elektron sahifasiga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 4 5 6